

ХАМЗА УМАРОВ

ШЕРОЗ ва ГУЛНОЗ

3 парда 6 кўринишли музикали пьеса – эртак.

Тошкент -1961

Қатнашувчилар:

- 1.ШЕРОЗ -Чиройли, кўринишдан жуда ёқимли,сўзлари бурро, доно йигит.22 ёшларда.
 - 2.ГУЛНОЗ –Биринчи даврда сода,очик,сўнгги пайтларда шижоатли,гўзал қиз.18 ёшда.
 - 3.ХУЛКАР –Шерознинг онаси. 50 ёшда.
 - 4.САЛИМ –Гулнознинг отаси.Хурсанд бўлса ҳам,жахли чиқса ҳам тутилиб қоладиган,калта фахмроқ киши. 50 ёшда.
 - 5.ОЙША- Гулнознинг онаси.Содда,лекин ақилли хотин.
 - 6.НАДАМ-маймун қиёфасидаги ёш йигит.
 - 7.ЮЛОНҚИР –Қишлоқ бойи.Дойим терлаганидан қўлидан рўмолча тушмайдиган,атрофини ўғри ўраган одамдек,кўзи аланг-жалаңг,ховфсираб,икки қўли тез-тез у,чўнтагидан бу чўнтагига кириб-чиқатурган,катта бошига кичкинагина,попукли,тўр дўппи кийиб олган киши.55 ёшларда.
 - 8.ЭЛЛИКБОШИ –пастак,дўмбоқ,кичкина бошига саватдек салла ўраган.ўнг қўли доим”бир нарса беринг”харакатида,бир оёғидан ковуши дотм икки қадам босганда тушиб қоладиган,башараси эчкини эслатадиган узун,чўққи сақолли,гапга чечан,хозир жавоб одам.
 - 9.САИГИ-ДИЛ-одам қиёфасидаги,шоҳли,бадбашара,елкаси дўнг,қоп-қора либосдаги махлук.
 - 10.МАХКАМА БОШЛИҒИ-Новча,бўйидан қиличи узун,хамма ёғида ялтироқ тасмалар тортилган қотма киши.Гапиришдан олдин,нафасини чуқур олиб,гапни шимиб гапиради.
- П.Ж И Н-бизнинг тасаввуримиздаги,кичкина,шоҳли,калта думли,хунук махлукнома.
- Хурматли хизматчилар меҳмонлар жинлар.

І - П А Р Д А

П р о л о г

Ўрмон. Кечки пайт. Сахна рўпарасида жуда ҳам беўхшов, шохлари илон суръати сингари Томирлари ерни кўпориб чиққан бахайбат дарахт. Дарахт танасига эшик қилинган бўлиб,

Бу эшик сира ҳам кўзга чалинмайди, дарахт бутундай туюлади. Ўрмон ўзига хос қуш ва хайвонлар овозига бой. Сахна харакати давомида аста-секин дарахтлар орасида ғира-шира кўринган янги ой кўтарилади, юлдузлар кўрина бошлайди. Оғир ма мунгли музика садоларига жўр бўлиб, узокдан хасрат ва хижрон хақида куйлаган алла кимнинг овози эшитила бошлайди. Катта дарахт шохига ўрнашиб жойлашган бир маймун бошини кўтариб аланглайди, кўшиқни тинглайди. Овоз яқинлашган сари маймун аста дарахтдан тушиб, ўзини панага олади. Сахнага йигитларкийимида, Шамшир тоққан Гулноз киради.

ГУЛНОЗ-

Кўшиқ.

Кўкси яра оху симон,
Саргардорман даво истаб,
Ер қаттиғу, йироқ осмон
Топарманму қарор истаб?

Ётма ғафлат уйқусида,
Ғунча ҳаётинг сўлдириб
Қахратон қалбида ётган
Гул каби,зор баҳор истаб,

Ғам саҳоби кетсин десанг,
Офтоб юзин кўрай десанг,
Мушкулдур йўл,ғар кўрқмасанг
Албат топарсан бахт,истаб.

-2-

/Маймун “Гулнознинг кўшиғи давомида унга яқинлашиб,ёнига ўтиради.Гулноз сезмайди./

НАДАМ-Айтчи йигит,бундай кўрқинчли жойларда,тунда ёлҳиз кезишингни бойиси недур?
/Гулноз хаёл ила қайрилиб,маймунга кўзи тушиши билан чўчийди ва қиличга қўли боради/
ГУЛНОЗ-Кимсан?!

НАДАМ-Мен Надм исмли,ғам ва алам бошига тушган сендек инсон фарзандиман.

ГУЛНОЗ-Йўқ-йўқ! Сен жинсан,ажина,алвастисан!Кет!Кет!

НАДАМ-Мендан чўчима йигит!Мен жин ҳам алвасти ҳам эмасман. . .фақат илтимос қиламан секинроқ гапир!

ГУЛНОЗ-Кимсан, ахир?

НАДАМ-Айтдимку сенга,Инсонман.

ГУЛНОЗ-Инсон?!! Нечук маймун суръатидасан?

НАДАМ-Мен сеҳирланганман,йигит!

ГУЛНОЗ-Ким сеҳирлаган сени ,э,Надам?

НАДАМ-Қиссам узун йигит !. . . Бошинга савдолар тушганага ўхшайди. Мендек дардга дармон излайман деб, юз балоларга учрамагин. Бу ерлар холинг таскин берадиган жой эмас. Менга, кечмишингни изхор қилсанг, балки ёрдамим тегар. Баён этгил, йигит!

ГУЛНОЗ-Мени отим Гулноз! . .

НАДАМ-Гулноз?! Демак сиз. . .

ГУЛНОЗ-Йигит эмасман. Йигит либосидаман.

НАДАМ-Давом этинг, синглим.

ГУЛНОЗ-Биз, ҳу, тоғ этагидаги "Тоғ Соё" қишлоғидан. . .

-2а-

Мени Шероз исмли севгн йигитим бор эди. . . Биз, ёшликдан бирга ўсиб, бир-биримизга кўнгил берган эдик аҳду-паймонимиз жуда мустаҳкам эди. . .

/саҳна Гулнознинг ҳикояси двомида аста қоронғилашиб, булар кўзга кўринмай қолади. Музика Шероз темасини чалади I кўриниш бошланди.

-3-

БИРИНЧИ ПАРДА

I- кўриниш

Ёз фасли. Қашшоқ оила ҳовлиси. Ҳовли ўртасида қалин баргли тут дарахти. Дарахтнинг орқасида, вайрона, хароб уй кўзга ташланиб турибди. Чап тарафда деворлври тутун исидан қорайиб, девор синфлари худди орриқ кишининг қабирғасидек, "мана-ман" деб, тўкила бошлаган сувоқлар орасидан бўртиб турибди. Саҳнанинги ўнг тарафида муккайиб қолган чол сингари "қийшиқ кўча эшигига, ҳасса тутказиб қўйилгандек ёғочдан тамба қўйилган. Дарахтнинг соясида, ерга тўшалган кўрпача олдида чарх ва қопчадаги жун кўзга ташланиб турибди. Шероз тут дарахти тагидаги кичиккина супа устида ўтириб ҳафсаласизлик билан, бир учи дарахтга тортилган балиқ тўрининг йиртиқларини бутламоқда.

ШЕРОЗ- Ария

Жаҳонга келдим у бир бор кулмадим,
Бахт боғида иқбол гулини узмадим,
Бир нафас лаззату, даврон сурмадим,
Ҳаётим тун атаримни кўрмадим,
Хунбор фалак найрангбозсан мунча ҳам?
Қалби пок-у, бечорага на чора? . .
Қилса ани умедларин юз пора,
Даво йўқдир на оҳинга на зора,
Қаддим ёй, ёшим сой, этмас наззора
Золим фалак найрангбозсан мунча ҳам?

-4-

/Хулкар опа қўшиқ давомида чиқиб чарх узра ўтириб, жун йигирар эди/

ХУЛКАР-Қўй юрагимни кўп эзма ўғлим. . .

ШЕРОЗ-Эҳ, онажон! Ахир одамзод дунёга келгандан кейин, ҳаёт боғида гашт қилиб, умринг роҳатда ўтмаганидан кейин, нолийсан-да! Эртадан то оқшомгача тинмайман, қишин-ёзин сув кечиб, лой кечиб, балиқ тутаман. Бирим-икки бўлмайди, косам оқармайди. Уйларимизни

қаранг, уйга қарай десам, қорнимиз қолади, қоринга қарай десам. . . УФФ!. . /бироз жимликдан сўнг, жилмайиб/ онажон қаранг, соқолим куртак отибди. . . қариган чоғизда юкингизни енгил қилурга, ёнингизга . . . ёнингизда. . . Эй, дунё бевафо! Нима бало пешонамга қолганда худойимии лойи етмай қолиб, туз қўшганми, мунча шўр бўлмаса.

ХУЛКАР-Ношкурлик гуноҳи азим. Пешонага қолу бало битилгани бўлур, бўтам! Қўй нолима. . . сабирли бўл! Қаноат қил!

ШЕРОЗ-Роҳати кетган кишида қаноат нима қилсин.

ХУЛКАР-Сендан умидим катта, болам. . . Бошшингни икки қилсам, орзу хавасим ушалар эди.

Эшик тақиллайди. Хулкар опа ўрнидан қўзғолиб, эшик очади. Кўркам бошига нимча ёпган Гулноз киради. Гулнознинг қўлида қўшқулоқ. Шероз уёғ-буёғини тузатади./

ГУЛНОЗ-Ассалому алейкум Хулкар холажон.

ХУЛКАР-Вой, Гулнозхон, кел ўргилай. . . опкелдингни?

-5-

ГУЛНОЗ-Ҳа/қўшқулоқни узатади/.

ХУЛКАР-Мен ҳозир идишингни бўшатиб бераман. Ўтиратур қизим./ичкари киради/

ШЕРОЗ-Ҳа Гулнозхон. Бормисиз? Яхши ҳамки, сигирларинг бор экан, орамиздан сут-у, қатик ўтиб туради. Бўлмаса орамиз оппоқ бўлиб, сизни тутга чиқиб кўрармидик. . .

ГУЛНОЗ-Хорманг, Шероз ака!

ШЕРОЗ-хайрият-э Бор бўлинг!

ГУЛНОЗ-Қалай, чарчамай-нетмай ўтирибсизми?

ШЕРОЗ-Гулнозхон!

ГУЛНОЗ-Лаббай?

ШЕРОЗ-Ҳовлиларингдаги ўрикдан бошқа, таъна дарахти ҳам борми дейман, ҳар замон-ҳар замон мевасидан намуна олиб чиқиб турасиз-а.

ГУЛНОЗ-Мазаси қалай экан?

ШЕРОЗ-Ўзимга қолса танлаб ердим-а, содда аччиғини териб едиришади. Нима бало, йилим қалампирми дейман нукул аччиғини раво кўришади менга!

ГУЛНОЗ-Ним аэксангиз шуни ундирасиз-да, Шероз ака!. . . Вой, холам мунча кечикдилар!.

ШЕРОЗ-Уйимизни эшиги битта деб, ўйламанг. Худди мени қулоғимга Ўхшаш, буёғидан кириб уёғидан чиқса бўлаверди. Анхорга чиққандирлар.

/пауза/

Нима олиб келдингиз; қатикми-сутми?

ГУЛНОЗ-Қатик.

ШЕРОЗ-Зардоби кўпроққа ўхшайди-а?

-6-

/куладилар/

ШЕРОЗ-Гулноз-ой!

ГУНОЗ-Лаббай?

ШЕРОЗ-Драбозабонга сездирмай жаннатдан қочган хурдай, мунча гўзалсиз.

ГУЛНОЗ-Шероз-ака!

ШЕРОЗ-Лаббай?

ГУЛНОЗ-Қуюшқондан юқори чиқманг, йиқилиб тушасиз.

ДУЭТ

ШЕРОЗ-Якка чамандирсан дебон,

Гул тергали киргим келур

Гул баҳона, бўлиб боғбон

Ҳуш ҳидингга тўйгим келур.

ГУЛНОЗ-Қани томга ким чикур,
Гарчи норвон бўлмаса.
Гулни қадрини ким булур
Тикан заҳрини тортмаса.

ШЕРОЗ-Биз бағри хунларнинг куни
Кунлари-тун зим-зиё
Бўлса гар уни гар юлдузи
Кўринур қуёшдек гўё

ГУЛНОЗ-Юлдуз бўлмас, чирокча,
Суҳбатни ул ёритмас.
Пастроқ тушинг йигитча
Қанотсиз учиб бўлмас.

/куладилар.Дует давомида девор тепасида кичкинагина жин пайдо бўлади, девордан
Чаққон сакраб тушиб Шероз ва Гулноз атрофида пича айланади.Улар сезмайди.

ЖИН-Сани дил учун,иккаласи жуда ҳам ажойиб ўлжа бўса керак.Тезроқ Санги дилга бориб
айтиш керак.Агар Сангидил буларни бошига кулфат юборса,роса томоша бўларди-да. . .

/Яна сакрвб девор орқасига ўтиб кетади/

ШЕРОЗ-Қани энди,давлатим бўлса-ю дастурхонга ёғлиқ патир тердириб,устига лас деган
мато чиққан эмиш,шундай қўйдириб,онамни хайрли иш билан сизларникига чиқарсам. . .
ГУЛНОЗ-Шероз ака!

ШЕРОЗ-Лаббай?

ГУЛНОЗ-Хом торвузни қўлтиғингизга олиб овора бўлманг сўйганингизда изза қилади.

ШЕРОЗ-Камбағалбизда!

ГУЛНОЗ-Биз бойми?

ШЕРОЗ-Йўқса,нега ундай дейсиз?

ГУЛНОЗ- ахир, тақтирини ошиққа тиккан қиморвоздек кюнгизни дам пукка, дам чикка
билан ўтказасиз- ку...

ШЕРОЗ-болага фақат отаси ном қўяди. Аниқроқ айтинг, тушунмадим.

ГУЛНОЗ- / қийналиб/. Ахир... ҳалиги ...

ШЕРОЗ- қийнамай сўйсангиз, жон бериш осон бўлади. Иймаймай айтаверинг.

ГУЛНОЗ- Ахир... ҳалиги...

ШЕРОЗ- Бўлди, Тушундим! Қўлимдан ҳеч бир иш келмаса тўр –тўқиб, балиқ тутиб
сотишдан бошқа хунарим бўлмаса... келин олиб киргудек уйим бўлмаса, тўй қилгудек ҳоли-
курбим етмаса... хўроз бўлишни менга ким қўйибти. Шундайми? /Гулноз жим / худога кеча-
кундуз юз илтижо-ю, нола қилиб, минг сиғинганим билан додимни тингламаса, нима қилай?. .
Оларда ҳисоби тўққиз,берурда саноғи ўттиз бойни феълини билмас экансиз.Ахир,бойдаги
қароллар,ердан соққанини бойга ичиришаяпти. . . Мана,отангиз Салимқул амакимни олинг. . .

ГУЛНОЗ-Отам,бойда ишласалар ҳам бизни боқаяптилар-ку. . .Йигитсиз. . .Билагингизда
кучингиз бор. . .

ХУЛКАР-/чикиб/Мен ҳам ўз-зи кун шундоқ дейман-да, ўргилай. . .Орзу- хавасим бор. . .

ГУЛНОЗ-/гаппи буриб/ Вой, Хулкор холажон,нега ювдингиз?Ўзим ювиб олардим. . .

ХУЛКАР-Шерозжон икки-уч кундан бери ишига чиққани йўқ. . . Пулини кейин оларсан . . .

ГУЛНОЗ-Майли,ташвишланманг холажон.Шеорз акамни тўрлари битаверсинчи,чақага
лойиқ бирон нарса илиниб қолар.

/Гулноз чиқади,Хулкар опа кузатади.Шероз хижолатда,ўйланиб ўтириб қолади/.

ҲУЛКАР-/қайтади/.Шерозжон,қ ўй уялма,қўзим. . . Ахир,сени яхши кўрганидан ачиниб гапиради-да. . .

ШЕРОЗ-тузлади,онажон!

ҲУЛКАР-Нима қилайлик,отанг раҳматлик мерос қилиб,қарз ташлаб кетган бўлса...

ШЕРОЗ-Бу, кунимда,бирим икки бўлмайдиганга шўшайди.Давлат осмондан тушмаса. . . Шаҳарга бораман...

ҲУЛКАР-Нима қиласан?

ШЕРОЗ-Пул ишлаб келаман...Уйимизни тузатаман...у ёқ-бу ёққа қарайман...

ҲУЛКАР-Мана бу ишинг жойида.Гулнозани ҳам кўнгли тўларди,сени ҳам...Тўйларингни кўрсам...

ШЕРОЗ-Боринг куйлак-пуйлагим бўлса тугуб беринг...

ҲУЛКАР-Ҳози,онанг ўргулсин.

/Ҳулкар уйга киради/

ШЕРОЗ- Кўшиқ

Таъна тошин отди ёрим,

кўксимни нишон айлаб,

Ширин каломила борим,

титратди хитоб айлаб.

Ҳусну,ақлу,идрокин

чизай мен китоб айлаб

Сенга ёринг содиқ қолур

то тириқ вафо айлаб

Садқа бўлай бўйгинангга

орому-жон ўзингсан.

-0-

Жой олибдир жон аро ул,дилдору танҳо ўзи,

Қоронғу тупларимнинг машъали гулгун юзи,

Бир қиё боқса агар жон олур жаллод кўзи

Хаста кўнглим малҳами ақиқ лабининг ҳар сўзи

Тасаддуқман бўйгинанга бахт юлдузим ўзингсан.

/Кўчадан алла кимни отни тўхтатган овози эшитилади.Эшик тақиллайди,Юлонқир бой кўринади/

БОЙ-Кампир!Ҳо кампир!

ШЕРОЗ-Ҳўш?

БОЙ-Онанг қани?/ичкари киради/.

ШЕРОЗ-Хизмат?

БОЙ-Онанг қани?

ШЕРОЗ-Дардингиз бўлса менга ёрилавиринг!

ҲУЛКАР-/чиқади/.Ие,ассалому алейкум,бой.Келсинлар, Шероз,кўрпача олиб чиқ ўғлим!

БОЙ-Кампир!Ипларга келган эдим...

ҲУЛКАР-Ҳаммаси бўлган йўқ эди...

БОЙ-Майли,борини олиб кетаман...

ҲУЛКАР-Ҳозир./югуриб уйга кириб кетади/.

БОЙ-Онанга раҳминг келмайдими?

ШЕРОЗ-“жупми”-“тоқми” ўйлашга вақтим йўқ.Кафтингизни очавиринг.

БОЙ-Бу нима деганинг?

ШЕРОЗ-Гапни лўндасини айтақолинг демокчиман

БОЙ-Ҳа!Демокчиманки,онанг қарибқолди,девдай боласан.Отанг раҳматликни қарзини узишга ярайдиган бўлиб қолдинг...Отангни арвоҳини чирқиратиб юрасанми?Отани қарзини узиш,сени зиммангга.Ҳам савоб.Мени еримда,икки-уч йил ишлаб берсанг узасан-қўясан.

ШЕРОЗ-Икки-уч йил?!..

БОЙ-Ҳа-ҳа!Икки-уч йил нима деган нарсa,кўз очиб юмгунча ўтиб кетади,ука!

ШЕРОЗ-Қарзга ишлаб берсам биз нима еймиз?

БОЙ-Ҳисоб-китоб деган холисалилло дафтар бор.Ҳисоблашиб тупамиз,ука!

ШУНДОҚ ДЕНГ.

БОЙ-Ҳа-ҳа.

ШЕРОЗ-/ўйчан/Отамни қарзини, узарман-а...

БОЙ-/гапини бўлиб/.Баракалла!..

ШЕРОЗ-Лекин мени қарзимни дунёга келмаган ўғлимни бўйнига қўяманми?...Ҳой,бойпочча,жўягингизга лойхўракдан тузоқ қўйиб овора бўлманг,бари бир илинтиролмайсиз!

БОЙ-Ҳой-ҳой!Мен сени яқин тутиб,онангга раҳмим келганидан,аҳволларингга ачинганимдан ,ука...

ШЕРОЗ-Сопол чинни бўлмас,сендан ини чиқмас.Отам қарзини сенда ишламай узишга ҳаракат қиламан.

/Хулкар опа бир сават ғалтак-найчаларга ўралган,эшилган ипларни олиб чиқади/.

БОЙ-Кампир!Қани эшилмаган жунларни ҳам буёққа келтир!

ХУЛКАР-Ҳа,нима бўлди?

БОЙ-Келтир деябман.

/Хулкар опа чарх ёнига бориб қоғларни йиғиштиради./

БОЙ-Яхшилиқни билмаган кўрнамаклар!

ХУЛКАР-Ахир нима бўлди,юлонқирбой?

БОЙ-Ўғлингдан сўра!

ШЕРОЗ-Ҳой,тори узилган ғижжакдек ғингиллайверсанг,пошнамни пешонангга ошна қилиб қўяман.

ХУЛКАР-Ҳой,Шероз!Тилингни тий!Кўйинг ҳафа бўлманг,бой.Ёш,ақли йўқ!

БОЙ-Тилинг жуда узунга ўхшайди-а?Қисқартириб қўяман,бола!

ШЕРОЗ-Ризқимизни қисқартирганингиз етмасмиди,бойпочча

БОЙ-Астаффурулло!

ШЕРОЗ-Тилим калтак эмаску,баданингиз ловуллаша.

БОЙ-Кампир!бўл,увирсирама!..Туяни танигани шўра-ю,янтоқ деганлар.Салим!

/Эшик очилиб бой хизматкори,Салим қул киради/

СОЛИМ-Лаббай,бой ака!

БОЙ-/қоғларни,саватни кўрсатиб/.Ол буларни.

САЛИМ-Хўп!Саломатмисиз Хулкарой!

ХУЛКАР-Келинг Салимжон.

БОЙ-Қани,имиллама!

САЛИМ-Хўп!/қоғларни олиб кетади/

БОЙ-Ҳой,Салим!

САЛИМ-/қайтиб/Лаббай?

БОЙ-Чарх қолди!

/Салим чархни ҳам қўлтиқлаб чиқиб кетади/.

БОЙ-/кетатуриб/.Ҳой,кампир.Раҳматлик эринг ҳурмати мен сенларга бир ҳафта муҳлат бераман.Қарзни тўласанг-тўладинг,бўлмаса қозига бериб,ҳовлингни хатлатаман.

ХУЛКАР-Раҳим қилинг,бой!ўғлим ёш,беақил... ишлаб беради.

БОЙ-/Шерозга/ нима дейсан?

ШЕРОЗ-. . .

ХУЛКАР-/ялиниб/ Ўғлим!

БОЙ-Бўл,гапир.Вақтим йўқ!

ШЕРОЗ-Лойқа тинсин,тагини кўрайчи!

БОЙ-Кўр-кўр!бир ҳафта муҳлат!Ё,даламга чиқасан,ёқишлоқдан чиқасан./кетабошлаб тўхтайди,ёнига кампирни чакиради.Атайин Шерозга эшиттириб гапирди/.Хулкар опа.Биламан ,ўғлингиз ёш. . .Қизиқ қон.Отасини ҳурмати дилим ачишади. . .

ШЕРОЗ-/ўзича/Сенда дил нима қилсин.!

БОЙ-Бошини икки қилиш ниятингиз бордир . . .

ХУЛКАР-Албатта,бой.

БОЙ-Салимни қизи бўйга етган деб эшитаман. . .Қўлим очиқ одамман,Хулкар опа. . .Ўйлаб кўринг

/кета бошлайди/

ХУЛКАР-Ҳой,Юланқирбой!

БОЙ-Хўш?

ХУЛКАР-Юнглари ташлаб кетинг,ахир мен ҳам. . .

БОЙ-Йўқ!

/Бой кетади.Извош овози эшитилади .она-бола бир-бирларига телмуриб бир оз жим қоладилар/.

ХУЛКАР-Сени бу қилган ишинг,катта дар\ёга тош отган билан баравар.Кўрпанга қараб-оёғ узатгин-да!

ШЕРОЗ-Онажон!ҳолва кўрмаганимизга яраша.Ширинроқ гапирсангизчи!

ХУЛКАР-Қилган ишингни чокидан бармоқ ўтади-ку,яна ширин гап орзу қиласан.Бойда ишласанг оч қўймас. . . Ахир,у ҳам одам.Зарурат-зўр бўлгандан кейин-иложинг қанча.Эшитдингми,тўйингача Ўтказиб бераман деяпти!

ШЕРОЗ-Онажон!20 дан 5 ни мустаҳикқа,15 ни кўйнига урадиган мўмсиқни кўлидан ким баҳраманд бўпти!Йўқ-йўқ!Лой,кечиб сув кечиб,юз чиғириқдан зтсам ҳам,бойсиз кунимизни ўтказиб олармиз. . . Шаҳарга кетаман ,Ҳомболчиликми,мардикорликми қиларман.Тўй қилиб берармиш!Ахир,қандай йигитлик юшини кўтараман,ўзим қурбим етмаса:тузоғига илинтиргунча у судхўр!Эҳ ғижимини тополмай юрибман,бир тахтакачлаб кўяр эдим-куя!Боринг,онажон бир арқон топиб беринг.Айтгандек,кир дорингизни ечиб олақолай!

/Хулкар ўксиган,уйга кириб кетади.Шероз тутга бошланг арқонни еча бошлайди./

Қ Ў Ш И Қ

ШЕРОЗ-Ғам тугма кўп кўнгилга,

Вақтинг ҳушла,ҳаёт гашт.

Бахт илинмас,тўринга

Тек турма,эт саргузашт.

Ҳаётимнинг беағи,

Ёрим,вафодорим бор.

Дилим орзу тилаги,

Ширин суз,дилдорим бор.

/онаси тугунча олиб чиқади/.

Меҳрибоним онажон.

Доим саломат булсин.

Оқ йул тиланг,онажон

Бахтим доим ёр булсин.

/ Хулкар фотиҳа беради.Шероз онасини қучади/.

ПАРДА

ИККИНЧИ ПАРДА

2-кўриниш

Гулнозларнинг ҳовлиси.Бу ҳовли.Шерозларни ҳовлисидан дурусроқ.Уйлар ҳам айвонли.Ҳовли топ-тоза.Бир туп ўрик дарахти остида каттагина сўри кароват.Айвон четида Гулноз гилам тўкиб ўтирибди.

А Р И Я

ГУЛНОЗ-Гидамга боз айтаман,
Қалбимда бор сирларим.
Ип ўрнига тўқийман.
Қувончиму, ҳасратим.

Ҳаёт чаманзорида,
Гул бўлсам, сунбул бўлсам,
Ёр бўлиб булбул унда,
Сайраса мен жўр бўлсам.
Муҳаббат гирдобиди,
Ғарқ бўлдим, ёрим билмас.
Ёнсам ишқи ўтда
Беғам экан шошилмас.

/эшик тақиллайди, Гулноз бориб очади. Салим кўринади/.

ГУЛНОЗ-Ассалому-аълайкум отажон!

САЛИМ-Ваалейкум. Онанг қани?

ГУЛНОЗ-Уйдалар. Ҳамир қилаяптилар. Чақирайми?

САЛИМ-Чақир.

/Гулноз уйга киради. Ойша чиқади, кўли хамр юки/.

ОЙША-Келинг, отаси?

САЛИМ-Ҳамирга қизинг қарасин. Ошга унна, мана гўшт-ёғ.

ОЙША-Гўшт-ёғ?!/олади/Хой, отаси биронтани тунаганиз йўқми?

САЛИМ-Ссени кеа...к...каллангда мингу...ўрнида. қайроқ борми дейман, ти...ти...тилингни тез-тез дами те... те...тезлашиб туради. Бор, ҳозир Юланқирбой билан, э...э...эллик боши келармушлар. Гўшт-ёғни -...у...ўша киши бериб юборди.

ОЙША-Юланқир дедингизми? Ташрифларига сабаб?

САЛИМ-“Сеникига борамиз, гап бор” дедилар.

ОЙША-Хотинини маракасини шу ерда ўтказармикан-а?

САЛИМ-Қанақа ма... маръака, э...эсипаст?! Ўзларини яқин ту...ту...тутиб, “келаман” десалар” йўқ, ке...келманг” дейманми?

ОЙША-Гапимни тушунмаяпсиз, отси. Бунчалик, марҳаматларини тиагида нос тупиги бўлмаса гўрга эди.

САЛИМ-Бу нима деганинг?

ОЙША-Ахир ковушини наҳалига икки мих, урдирадиган одам-да. Ўз номи билан Юланқирбой.

САЛИМ-Хўш?

ОЙША-Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур! Совчиликка келаётган бўлмасин тагин?

САЛИМ-Кимга?

ОЙША-Менга келармиди, қизингизгада!

САЛИМ-Э, кун қуймасдан, то...то...тоғарангизни даранглатаверманг! Боринг о...о...ошга уннанг. Гапингизга о...о...олов ёққан билан о...о...овқат битмайди!

ОЙША-/кетатуриб, қайтади/Хой отаси!

САЛИМ-Нима?

ОЙША-Яна ош устида у гап очиб қолса, сиз фотиҳа очиб ўтирманг.

САЛИМ-Хой, хотинжон, бери келинг.

ОЙША-/қайтади/Ҳа, отаси?

САЛИМ-Илло гапингизни ковласа, ичидан то...томири чиқаяпти...

ОЙША-Айтмадимми?

САЛИМ-Агар бой, ҳалиги мақсадда келаётган булса ҳам ажаб эмас. Нега десангиз, кечаги кун, қизингиз бойникига юнг олгани борганда кўриб қолипти. Менга бой “бахтинг бор экан сени, салим кул” девди-я!

ОЙША-Ана!

САЛИМ-/эшикка қаба/Ким?

ОЙША-Гапингизга”ана”деябман!

САЛИМ-Ҳа!Агар гап шундоқ буладиган булса нури аъло нур буларди-да.Нега десангиз, бой билан квиндош бўлмоқ,умрим роҳатда подшодек тахтда ўтарди-да.Бой мени ўзига ёрдамчи қ...қилиб оларди.Агар қизинг фарзандлик бўлиб қолса...

ОЙША-Экилмаган супургини,унамаган поясини ҳисобламай қолинг.Қизингизни ўшанга бермовчимисиз?Иккита хотин ўлдирган мўмсикка-я?Сизда тарикча виждон борми?

САЛИМ-Ҳой,ў...ўпкангни югуртирма!

ОЙША-Қизингиз ўзини-ўзи бир бало қилиб қўяди.Бошига сув қуясиз...

САЛИМ-Сени га...га...гапинга кулоқ солсам ё...ё...ёзда пўстин кийдирасан.Ҳа ки...кимга берай бўлмаса,Шерозгами?биздан беш баттар ка...камбағал,онасини зўрға боқади.Нима ёруғлик кў...кў...кўради,қизинг.Ундан кейин бойга”Йўқ”деб кў...кўрчи.Бор,шингиллайверма!Те...тез бўл!

/Салим кўчага чиқади,Гулноз уйдан чиқади/.

ГУЛНОЗ-Хамирни ёзиб қўйдим.

ОЙША-Бўлмаса кесиб-кесиб саватга солиб қўй.Ош қиламиз.

ГУЛНОЗ-Паловми?

ОЙША-Ҳа!

ГУЛНОЗ-Нечук?

ОЙША-Юлонқир келармиш!

ГУЛНОЗ-Нега?

ОЙША-Қайдан билай!Сўрини тузатиб қўн!ҳа,кейин хамирни кес-у,менга қарашвор.

/Ойша ошхонага киради/.

ГУЛНОЗ-/у ёқ бу ёқни супириб-сидириб/

А Р И Я

Орзу кўкида учган,
Мисли қалдирғоч эдим.
Отдилар тош шубҳадан,
Синмасайди қанотим.
Сабо сенга арзим бор,
Чунки кезарсан ҳарённи,
Этмасин ёр интизор,
Йўкотди дил оромни.
Ёдинг сени ҳам дардим
Ақлимда доим мажлис.
Фикринг сени нигорим,
Этай кўнглинга мунис.
Сабо сенга арзим бор
Чунки кезарсан ҳарённи
Этмасин ёр интизор.
Йўкотди дил оромни

/Эшик тақиллайди.Гулноз очади.Ҳовлиққан Салим киради/.

САЛИМ-Бор,дастурхон тайёрла!Уйга кир.

/гулноз уйга киради.Бой ва элликбоши киради/.

САЛИМ-Қани-қани...қадамларига ҳасанот

/бориб сўрига ўтирадилар/.

ЭЛЛИК БОШИ-Қани-илоҳим омин,жаннатингни бир четини бизга насиб кўргайсан,омин...
УЧЧОВИ-Омин!

/Салим дам уйга кириб,дам ошхонага чопиб хизматда бўлади.Бой ила элликбоши пинҳона сўзлашадилар/.

БОЙ-Элликбоши,бунинг қизини бир кўрдиму,хуснига андоқ мўккасидан тушиб,дилимдан бир тиғу жуводдиз ўтгандек,дардимни сўзларга кимса тополмай қолдим.Гулноз тўқиган гиламларни гўзаллигини биламан-у,аммо тўқиган қўл эгасини билмас эканман.

ЭЛЛИКБОШИ-Саховатли Юланқирбой!Сизни изингизга юзин сура турган,бор йўғи сиз биал битатурган бир қаролингиз наҳот сўзингизни икки қилиб,тўрвасига тупуратургон ишни қилмас деб,давлатларини соясида,умид поясидан баҳраманд турурмиз.Зероки...

БОЙ-/уни сўзини бўлиб /.2Қозикни тошга қоқсанг,меҳнатинг зои кетур”деганлар.Мен сизга йўлда нима деб эдим...

ЭЛЛИКБОШИ-Каминангиздан дарғазаб бўлмасинлар.биров гап уқдирмокни ният қилса,рўмолчамни учин тугардим,токе хаёлдин фаромуш ўлмасди.Сиз,жаноблари нукул гап айтдилар-ку,аммо тугун туккудек нарасадин беҳабар қолдиларму,мендан узр бўлғай,мен гап ўрнига нукул қўлларига зихин қўйиб...

БОЙ-Бас қилинг:Қулоғингиз оғзимдаю,кўзингиз чўнтагимда.Қуруқ қўймасман.

ЭЛЛИКБОШИ-Қуллуқ!

БОЙ-Салимқул қаролим бўлгани бирлан,оғзи катта!”Қизи борни –нози бор”қилиб,қоп десам қанор қўтариб келмасин деяпман.

ЭЛЛИКБОШИ-Офарин-офарин,бой!Тирноғингизни учигача ақил-а!Хўп-хўп!Бу томондин ғам еманг!Бундай ишларни пичишга келганда каминангизни қайсиси ўткир,лахтакни кўпи сиз томонда бўлур...

/Бу гаплар орасида дастурхон,чой ташиб юрган Салим дашсув келтириб,уларни қўлларига сув қуя бошлайди/.

ЭЛЛИКБОШИ-Мулла Салимқул!

САЛИМ-Лаббай,таксир?

ЭЛЛИКБОШИ-Қани ўлтирмайсизми!

САЛИМ-Келингиз ошни сузаяпти,таксир!

ЭЛЛИКБОШИ-Шундайми!Офарин-офарин.Хўп-хўп.

/Салим кетади/

БОЙ-Элликбоши!

ЭЛЛИКБОШИ-Лаббай?

БОЙ-Оғзингиз ош билан бўлиб,хизматга қулоғингиз бел боғлаб қолмасин.

ЭЛЛИКБОШИ-Кўнглингизни тўқ тутинг!

БОЙ-Сиз қорнингизни тўқ тутинг.

ЭЛЛИКБОШИ-Ана лўқмаи тождор ҳам ташриф қилдилар.

/Салим ошни ўртага қўйиб,чеккага чўккалайди/

ЭЛЛИКБОШИ-/ошга ўзини отиб /.Бисмиллоҳи раҳмону раззоқ.

/бой туради,Элликбоши ўзини ўнглайди/.

БОЙ-Салимқул,қани гўштини тўғра!

САЛИМ-Хўп.

ЭЛЛИКБОШИ-Қани,Мулла Салимқул,пичокни буёнга узатинг,сиз жуда майдалаб юборасиз./Салимдан пичокни олади/бисмиллоҳу раҳмону/бир парча гўштни оғзига солади/Хай-хай, мана бу устихон бизга ...Устихон-устихон,ичи илик,оромижон...қани,бисмиллоҳу раҳмо.../бой туради/.

САЛИМ-Қани,ошга қаранглар.

ЭЛЛИКБОШИ-Бисмиллоҳу-раҳмону,рахим/уччовлари ош устига энгашадилар./Хай-хай мулла Салим,

САЛИМ-Лаббай,таксир!

ЭЛЛИКБОШИ-Ошни ким қилди?

САЛИМ-Келинингиз...

ЭЛЛИКБОШИ-Янгамми,Ойшахонми!Кўп пазанда эканлар...Хай-хай.

/уй деразаси ёнида Гулноз кўринади/.

ЭЛЛИКБОШИ-Салимқул қизингиз ҳам дастёр бўлиб қолгандир?

САЛИМ-Хов,таксир!

ЭЛЛИКБОШИ-Нечага киради?
САЛИМ-Шабон ойи келсалар 18га тўлади...
ЭЛЛИКБОШИ-18га? Ҳай-ҳай...18га! Мен уйланганимда раҳматлик хотиним 14 да эди.
САЛИМ-Қани, ошдан олинг.
ЭЛЛИКБОШИ-Э ҳа, дарвоқи... Бисмиллоҳу раҳ.../бой туртади Элликбоши секин бойга/
Аввал таом, сўнг баъдас калом! Бисмиллоҳу ...лабай?...
/Бой чап қўлини кукрак чўнтагига солади,
Элликбоши кўз қирини ташлдайди/Салимқул!
САЛИМ-Лаббай, тақсир!
ЭЛЛИКБОШИ-Биз хайрли иш билан келган эдик...
САЛИМ-Қулоғим сизда.
ЭЛЛИКБОШИ-Қизингни исми нима?
САЛИМ-Гулноз.
ЭЛЛИКБОШИ-Гулноз! Ҳам Гуль ҳам ноз...ёши нечада, дедингиз.../Бой туради/Дарвоқе 18-
да. Қизингиз, Гулнозни Юлонқирбой рафиқаликдек мансабга раъво курибдурлар.
Умир савдосида мана ўзлари харидор бўлиб келдилар. Биз эсак...
ГУЛНОЗ-/Дераза ичидан/ Даллол!
ЭЛЛИКБОШИ-Биз эсак ходисалило икки томондин қишлоқ Элликбошиси сифатида ўз
вазифамизни ўтаб, икки томонни бир мурсаи-мадорага келтирмоқ ниятида севинчига тўн
киркиб...
ГУЛНОЗ-Кафан кийгур!
ЭЛЛИКБОШИ-Нима дейсиз/Салимқул?
САЛИМ-/паузадан сўнг/. Ихтиёр биз каминада эмас. Биз бой а...а... акамни оқиб ту...турган
сувлари. Хоҳласалар қўл ю...ювурлар, хоҳласалар ю...юз ювурлар.
ЭЛЛИКБОШИ-Баракалла! Қани бой..
/Бойга бир нима беринг дегандай қўл чўзади, бой туртади. Элликбоши гапни буради/
Қани, бой ошга қарасинлар.
БОЙ-Салимқул! Гар шундоқ бўлса, сенга офарин. Сидқидилдан сенга берган тузларимдан
розиман...Мени молим сенинг молинг, мени ерим сени еринг! Қизингга бож-хирож сен сўрама,
сендан қиз номидан сепини мен сўрабай...
САЛИМ-Ўзларидин ў...ўтар гап йўқ, қизимни се...сепини ўзи бирлан. Қўли гул ...ахир...
БОЙ-Ҳар”Ахир”ни “охири” бор. Гар шу! Иншолло! Индинга тўй чакиртирурман. Бутун
харажатни ўз зиммамга олурман/Элликбошини туртиб/ қани
фотиҳа.
ЭЛЛИКБОШИ-/ оғзида ош/ Қани илоҳи омин, жаннатингни бир четини бизга насиб
кўргайсан, омин... Қани Салимқул янгамни сандиғининг бағри бугун шаббодага кўндаланг
бўлғучи, энди... ҳе...ҳе...
САЛИМ-/хайрон/Қанақа сандиғ?
БОЙ-/Элликбошини туртиб/Элликбоши ҳамроҳлигингизни назарга тутиб, тўйда тўн
қиядиган бўлдингиз.
ЭЛЛИКБОШИ-Бизни кадамимиз шарофатли бой шу сабабли...
/бойга қўл чўзади, бой туртади/.
ЭЛЛИКБОШИ-/ноилож/...Илоҳи омин дўзахингни бир четини /эсини йиғиб/ Жаннатингни
бир четини бизга насиб кўрмади...кўргайсан, омин.
/тура бошлайдилар. Салим дашсувга боради.
БОЙ-Элликбоши!
ЭЛЛИКБОШИ-Лаббай?
БОЙ-Елкангиздан тепаси калла десам, нуқул салла экан. Лахтакни қиядиган қайчингиз қани?
ЭЛЛИКБОШИ –Лахтак қўлимга тегмаса нима қилай!
БОЙ-Номингизни Элликбоши эмас, бузоқ боши қўйиш маъқул экан...
/Салим келиб, сув туттади. Улар чиқадилар, Салим кўчага кузатади. Уйдан Гулноз
, Ошхонадан Ойша чиқадилар/.

ГУЛНОЗ-/Йиғлаб онасига ташланади/.Онажон!...
 ОЙША-Қизим...
 ГУЛНОЗ –Бу қандай хўрлик!Мени мол сингари нархи ошиқ харидорга сотсалар!
 ОЙША-Қўй қизим...Нима қилайлик?...Начора?Бойга “йўқ”деб бўладими,қизим.Тақдир экан...
 ГУЛНОЗ-Тақдир?!..Йўқ,бунақа тақдирни тандирда пишираман,куйдираман!Ўларман,лекин бойга хотин бўлмайман...
 ОЙША-Шўримиз қурийди қизим.
 ГУЛНОЗ-Қуриган шўримизни яна нимаси қурийди?онажон,қочамиз!
 ОЙША-Қочамиз?!..Қаёққа?
 ГУЛНОЗ-Отамни кўндилинг,бошқа ёққа кетайлик,кўчиб кетайлик...Юз балоларга дучор бўлсак ҳам кунимиз ўтиб қолар,онажон!
 ОЙША-Осмон узоқ,ер қаттиқ.Иссиқ ўрнимизни совуқ қилиб,яна қайси бойни эшигини қоқамиз.
 ГУЛНОЗ-Бойларга бормкаймиз... Онажон, сизларни ўзим боқаман...Ухламайман,тинмайман...
 ОЙША-Болагинам!Хотин кишини тақдири шул...
 ГУЛНОЗ-Йўқ-йўқ! Этагини тутиб берсалар, кетидан кетмайман...Майли онажон, сиз боринг,уйга киринг. Отам билан ўзим гаплашаман...
 ОЙША-Ҳой,гуноҳга ботасан...Отага шак келтириб бўлурми! Қўй...
 ГУЛНОЗ-Майли онажон.Ташвишланманг.Ўзим ётиғи билан тушунтираман.
 ОЙША-Фаросатинг жойида.сени.Лекин тик гапира кўрма/Ойша хола ичкари киради.Гулноз оғир аҳволда.

ГУЛНОЗ ҚЎШИҒИ

Кўксим рў этди гардун,
 Ҳижронга нишон-бу он,
 Чанг солди фалак маълун
 Борми чора-ю,имкон.
 Рўпарада,девор устидан Шерозни боши кўринади.

ДУЭТ

ШЕРОЗ-Ассалом жонона ёрим,
 Муштоқ бу дил соғиниб.
 Сен эурсан йўқ-у-борим,
 Келди зоринг соғиниб.
 ГУЛНОЗ-Шўр тоълеим дастидан
 Чекканим ғам-у,ағёр.
 Махрумман бахт гаштидан
 Етди ёрингга озор
 ШЕРОЗ-Ёрга ботган тикан захрин,
 Тортсин азобин Шероз.
 Ситам етди сенга қайдин,
 Сўйла сабабин Гулноз?
 ГУЛНОЗ-Беҳабар ёр,ҳолим ёмон,
 Синди ниҳолдек Гулноз.
 Драд ёғилди,бермай осмон
 Бўлғил табибим,Шероз.
 Дуэт давомида,биринчи картинадаги Жин бир четда пайдо бўлади.
 ЖИН-Ана тамоша бошланаяпти...Санги дил
 Менга Шерозни олиб боришни буюрди.

Ҳозир,Шероз ҳамма гапни эшитиб,тузоғимга тушади.Мен уни Сангидилга элтиб мукофотиға узунроқ дум сўрайман.

/Беркинади/

ШЕРОЗ-/ташвишда/Нима бўлди,Гулноз?

ГУЛНОЗ-Ҳеч...Бир оз кўнглим ғаш...

ШЕРОЗ-Ростми?

ГУЛНОЗ-/қийналиб/Рост..

ШЕРОЗ-Гулноз.Шамол билан чанг келар,булут кетса қор тинар.Сабабсиз кўнгилга ғаш тугулмас.Чироғингизни пилигини кўтарсангиз,атроф ёришади.Юзингизни равшан кўрурман.

ГУЛНОЗ-Юзумни равшан кўрурга дил чироғи керак...

ШЕРОЗ-Дилимни борлиғи ўзингизники...Бу дил сиз-сиз,мега дил эмас...

ГУЛНОЗ-Қуруқ қошиқ,оғиз йиртур!

ШЕРОЗ-Гулноз!Дард либосини кийдириб қўйиб,тамоша қилаверманг,айтинг!

ГУЛНОЗ-Нузҳа сўзга устасиз.Лекин...лекин...

ШЕРОЗ-/кулиб/Оловсиз ош пишмас, лекиндан гап чиқмас.Бемор дилимга раҳмингиз келсачи...

ГУЛНОЗ-Бой келган эди...

ШЕРОЗ-Юлонқирми?

ГУЛНОЗ-Ҳа!

ШЕРОЗ-Хўш?..Гулноз жим/Гулноз,Хўш?

/Шероз девордан сакраб тушади,Қўлидаги тугунни бир четга қўйиб,Гулноз ёнига келади/

ШЕРОЗ-Хўш?..

ГУЛНОЗ-“Хўш”ни айтур хўкузга,ҳасса килур кўр кўзга...

ШЕРОЗ-/Фаҳмлаб/Наҳот?!Вой,бадбахт,шўртумшук,ноинсоф!Курк товукдек сувга пишаман...Мен уни товонига миқ қроқаман./кўчага отилади/

ГУЛНОЗ-Шероз:

ШЕРОЗ-/тўхтаб/Гулноз?

ГУЛНОЗ-Агар сиз ундан ўч олмоқ ниятида бўлсангиз чакки қиласиз.Ўзингизга фалокат ортдирасиз.

ШЕРОЗ-Гулноз,сиз маҳзун кўнглимни сурури,жаҳонда ягона ишонган тоғим,бу золим замонада дилим мадори,кўз нурим,бор қувончим сиз-сиз.Мен сиздан ажраб яшай олмайман,Гулноз.Мен ўзимни тоғ тепасидан жарларга отаман,ўламан,лекин,ўзим биланб бойни ҳам олиб етаман.

ГУЛНОЗ-Йўқ-йўқ!Бундай қилманг!

ШЕРОЗ-Нега?/Гулноз жим/.Гулноз!Бағри тош экансиз?

ГУЛНОЗ-Ўзингизни бағрингиз тош экан.

ШЕРОЗ-/ҳайрон/Нега?

ГУЛНОЗ-Сиз ўзингизни юз балоларга дучор қилиб,мени ёлғиз ташлаб кетмоқчисиз!

/Беркинган еридан жин кўринади/.

ЖИН-Шошмайтур,Сагидил сени ҳам қўймайди.

/яна ғойиб бўлади/.

ДУЭТ:

ШЕРОЗ-Бу тандан жон узулсин,

Сендан жудо бўлгунча.

Бу кўзларим тешилсин,

Сен йўқ жойни кўргунча.

ГУЛНОЗ-Гули мақсад осилмай,

Ғунча сўлсам,найлайин?

Ақжи баҳорга етмай,

Юлунсам мен найлайн?
ИККИСИ-Садқадир сега жоним,
Ўзигсан меҳрибоним.
ШЕРОЗ-Шаб афрузи,юлдузим,
Хаста кўнглим мадори,
/стам/- Алам етмас,бор ўзим,
Маҳкамёринг қарори.
ГУЛНОЗ-Бахтим мени зулфимдек
Мундоқ сиё бўлурми?
Ҳолим лайли-шириндек
Савдосига тушурми?
ИККИСИ-Нисордир сенга жоним
Ўзингсан,вафодорим.
ШЕРОЗ-Бахти варо эканман!
ГУЛНОЗ-Бахти қаро эканмиз!
/Иккиси узоқ ўйга чўмадилар,Салимкул киради,булар сезмайди. Салим пана бўлади/.
ГУЛНОЗ-Бир илож топиш керак
ШЕРОЗ-/ўзига келиб/.Илож?../ўйлаб/Қочайлик!
ГУЛНОЗ-Қочсак ота-оналаримизни тириклайин ўлдируرمىз.
ШЕРОЗ-Бойни ўлдираман!
ГУЛНОЗ-Унда ўзингизни ҳам ҳалок қиласиз.
САЛИМ-Балли қизим!
ШЕРОЗ-/чўчиб/Ассаломуаълайкум Салим амаки!
САЛИМ-сендан Шероз,у...умедим бу эмас эди.Сен Қи...қизимни қандай хунук нарсаларга
у...ундайсан.Зў...Зўри беҳуда миён мешиканад деганлар.Буни ма...маъносини чак.
ГУЛНОЗ-Отажон,Раҳмингиз келсин.
САЛИМ-Она қизим.Ахир бу бахт ҳа...ҳар кимга ҳа...ҳам насиб бўлавермайди.
ШЕРОЗ-Амакижон!Ахир,Гулноз билан бирга ўсдик,бир-биримизга кўнглимиз мойиллиги
ўзингизга аён,эди.Наҳот сиз бойнинг сизга юқмас молу-давлатини бахт деб билсангиз.
САЛИМ-Катталарга те...терс гапириш одобдан эмас.Сендан бир неча юз кўйлакни кў...кўп
йиртганман.Нима қилаётганимни ў...ўзим биламан.Қайси о...ота ўз фарзандига ё...ёмонликни
раво кўради.
ГУЛНОЗ-отажон,бундан яхшилик чиқмас.Ялинаман,ёлвораман,раҳмингиз келсин!Кўчиб
кетайлик.Бу кунларга барҳам беринг отажон.
САЛИМ-Тий тилингни!
/Ойша яқинлашади/
ШКРОЗ-Амакижон,меваги дарахтдай кўркам,кўзга иссиқ қизингизни,товонидан қон
шимиб,нафасини кўзлайдиган,хасис,судхўр,60 дан ошган...
САЛИМ-/сўзини бўлиб/60 эмас 51 да э...энди қирчиллаган пайти.Нима қ...қилаётган
бўлсам,фаросатсиз эмасман.
ГУЛНОЗ-Отажон,мени тириклайин ўлдиурсиз.
ШЕРОЗ-Бизни жувонмарг қилманг.
ОЙША-Болаларингизга раҳмигиз келсин.
САЛИМ-/хотинига ўгрилиб,секин/ Т...тилингизни қарғачў...чўқисин.Хўш,бу ни...нимасига
тўй қилиб олади-Нимасига бо...боқади.ўжарлик қилиб,бир ойдан бери бо...бойга ту...тутқич
бермайди.Эрта-индин қарзи ба...бадалига буни ҳовли жойини хатлатаман деб юр...юрибди.
ШКРОЗ-/бориб тугунни ечади/.Мана,шаҳарда эдим.пул ишлаб келдим.Мана бу Гулнозга
рўйимол.Қарзимни узаман,уйимизни тузатаман...фақат озгина сабир қилсаларингиз бас!...
САЛИМ-Ҳо...ҳолва деган билан оғисз чучимас!А...Аввал от олурлар,кейин қамчи!
ШЕРОЗ-Ишонинг,мен тинмайман,емайман-ичмайман айтганимни устидан чиқаман.
САЛИМ-Фотиҳага о..."омин"ўқилган.Энди сен номаҳрамсан.
ГУЛНОЗ-Отажон!

САЛИМ-Бас!/Шерога/Шероз,ў...ўзинг ўйла,мен қандай қи...қилиб”хўп”деган сўзимни бойдан қа...қайтариб оламан.Бойдин-а?Биласанми у мени не кунларга со...солишини.

ШЕРОЗ-Салимамаки!...

САЛИМ-Бўлди,гап то...тамом.Ғишт қолипидан кўчган.о...ол рўйимолингни,о...онангни бошига солсанг ярашади./қизига/.Уйга кир!

/Шероз оғир жимликдан сўнг боши қуйида,кўча томон юради./

ГУЛНОЗ-Шероз!

САЛИМ-Бор,уйга кир!

ШЕРОЗ-/эшик тагида тўхтади/Гулноз,барибир сенсиз яшай олмайман. Энди бу бошимни қайси тошга урай, Гулноз!

ГУЛНОЗ- Шероз, олиб кет мени хам!

САЛИМ- /Шерозга/ бизни холимизга тушингин, ўғлим. Се...

Сенга сабр ва и... итоат берсин худо хайр! Нима қиласан тақдир экан.

/жин пайдо бўлиб салим орқасига келади, улар сезмайди яъни улар учун кўринмайди/.

ЖИН- Ҳайда Салим тезроқ ҳайда!

САЛИМ- /Шерозга беихтиёр бирдан бакириб/ кет! Кет дедим сенга! Тезроқ кет! Йўқол!/жин кулади/

/Шероз чиқади,Гулноз унинг кетидан югуради, Салим йўлини тўсади. Жин хам чиқиб кетади/.

ГУЛНОЗ-Шероз кетма!

САЛИМ-Қизим хушингни йиғ!/Ойша айвон зийида ўтириб йиғлайди/

ГУЛНОЗ-Ўзимни-ўзим ўлдираман.

САЛИМ-Аввал б...бизни ўлдиргин бўлмаса,қизим.Сени боқиб та...тарбиялаб,шуми сендан ке...келадиган оқибат. Ахир,ота-онангга ра...рахминг келмайдими?Бизни қон қақшатма.Ўшангга те...тегиб нима орзу-ҳавас кў...кўрасан, қизим...

ГУЛНОЗ-/йиғлаб/Ёш жонимни хазон қилманг,отажон.

САЛИМ-Бас!О...Онанг сени туққандан,бир тўнка ту...тўғса, қариган чоғимда,қунимга я...яраб,чарчаганимда ўтириб ро...роҳат қилардим./Ойша ёнига,яқинлашади/ Қани,юринг

Уйга.Гап бор!/Иккаласи уйга кирадилар.Гулноз қафасга тушган қушдек,фарёд ила ҳовли узра талпинади/

АРИЯ

Зулм этди чархи золим,
Қилди фузун малолим,
Кўп мушкул ўлди ҳолим,
Гурбатга рў жамолим.

Ҳусни гулзоримдан,
Гуллар очганда юздан,
Кўнирми зоғу-зуған,
Дод!...
Дод э,фалак дастингдан.

Қайда кутулмоқ имкон?
Ёғилса чўхи ҳижрон,
Соябон ашқу-афғон,
Чекига борму поён?

Парда

3-кўриниш

Пролог декарацияси.Эрта тонг.Қуёш охиста дарахтлар ортидан кўтарилиб атрофни қизил рангга бўямокда.Катта дарахт яшиги кучли занжирлар овози билан шарақлаб очилади.санги-дил чиқади.Керишиб эснайди.Афсун ўқиб”Куф-суф”дейиши билан,дарахт эшиги гулдираб беркилади.

САНГИ-ДИЛ-/куйлайди/

Ғаму-алам подшоҳи ким?

мен-ман!

Энг кучли-ю,даҳшатли ким?

мен-ман!

Мен-ман! Мен-ман!

Тенг келолмас менга ҳечким!

Соф дилларни чалғитган ким?

мен-ман!

Юракларни тош қилган ким?

мен-ман!

Мен-ман! Мен-ман!

Тенг келолмас менга ҳечким!

Эл ғам чекса,ўод бўлган ким?

мен-ман!

Бахтларидан айирган ким?

мен-ман!

Мен-ман! Мен-ман!

Тенг келолмас менга ҳечким!

Санги-дил дарахт тепасига қарайди.

САНГИ-ДИЛ-Надам!Хой,Надам!...

НАДАМ-/юқоридан/Лаббай,Санги-дил!

Санги дил-Ғафлат,ётасанми кечгача!

НАДАМ-/тепадан тушади /Лаббай?

САНГИ ДИЛ-Қани,терган меваларинг?!!

НАДАМ-Ахир,кеча тонгдан то шомгача тинмадим-ку...

САНГИ ДИЛ-/сўзини бўлиб/Ишёқмас,сурбет!Териб берган ўн саватгина меванг чап ичагимга юқ бўлган йўқ.Яна сайрайсан!..Бўл!Тер!Бўлмаса ўзингни ейман!

/Маймун дврхт остидан икки саватни олиб кета бошлаб...яна қайтади/

НАДАМ-Санги дил...

САНГИ ДИЛ-Ҳали ҳам шу ердამисан?Пўстинга сомон тикадиган иш қиябсан,Надам!Ажиж-мажиж,савкор-карсот,дов-гов куф-суф!

Узоққа кўринмас ип ташлаб,яна торта бошлагандек ҳаракат қилади/

НАДАМ-Санги дил...

САНГИ ДИЛ-Хўш?!!

НАДАМ-Мана,қўлингга тушганимга,йўғе,келганимга бир йилдан ошди.эрта кеч тинмадим.айтганингни қияпман...Ваъда бергансан...

САНГИ ДИЛ-Ваъда?!Қандай ваъда?

НАДАМ-Лочин бўласан деб...

САНГИ ДИЛ-Кейин,кет! Ажиж-мажиж,савкор-карсот,дов-гов куф-суф!/яна илгаридек ҳаракат қилади.Узоқдан Шерозни куйлаган овози эшитила бошлайди./

НАДАМ-Ахир,мени ота оналарим бор...Ортиқ қарорим қолмадди./саваатларни ирғитиб/Сен мени алдадинг!Мақсадингни билдим,сени.Керак эмас,лочин ҳам бўлмайман.Инсон суръатимни қайтариб бер!Аслимни вайтар!Қайтар инсон суръатимни.Қайтар!

/Ўтиради аччиқ йиғлайди/

САНГИ ДИЛ-/кулиб/Мени Санги дил яъни тош юрак дейдилар.Мен инсонлар бошига ёғиладиган ғам,алам,кулфатман.Мени ваъдам,яхшилигим шу!Агар шу суръатинг ёқмаса,тошга айлантираман.Бор ўлжамдан қўйма./қичқириб/Тур!/Шерозни қўшиғи яқиндан эшитилабошлайди.Маймун туради ва бирдан қаттиқ овоз билан Шероз томонга қараб қичқиради/

НАДАМ-Хей, инсон, қайт, қайт! Келма бошинга офат.../ Санги дил “куф-суф” қилади. Майманни дами ичига тушиб,аллақандай,қўринмас куч ерга пийпалиб, қийнайди, сўнг дарахт шохлари орасига учиб кириб кетади./

САНГИ ДИЛ-/тепага қараб/ Ярамас, Мен бу ўлжамни бошига кулфатимни юбориб, келиши неча кундан бери, бетоқат кутаман. Ўзинга келгунингча оёғингдан осилиб ётасн энди Санги дил олдида жин келади.

ЖИН-Санги дил,олиб келдим.

САНГИ ДИЛ-Яхши!Энди кетавер,керак бўлсанг чақираман.

/Жин ғойиб бўлади,Санги дил ҳам ўзини панага олади,куйлаб Шероз чиқади./

ШЕРОЗ –қўшиғи:

Зимзиё бўлди ҳаётим,

Машъалимдан айрилиб,

Синди торим,йўку- борим,

Шўх сухандин айрилиб.

Э,фалак яархинг бузилсин

Заққум ютдирдинг менга.

Ол бу жоним,тан на қилсин

Меҳмонидан айрилиб.

Менга ёрим,ёр эмас,

Бутун бир дунё эди.

Булбулга ин керакмас

Қолса гулдан айрилиб.

Уфф!дод бу фалакни дастидан,фарёд”/Шерозни гапи давомида Санги дил пайдо бўлиб уни орқасига келади,шероз кўрмайди/Ҳаёт менга.мисоли қишлоғимизнинг чанг ва лой,қинғир-қийшиқ кўчасидек лаззатсиз,қийин ва хунук бўлиб қолди.Гулноз!/Қичқириб/Гулноз!

/Атроф ва олисдан бир талай акс садо масхаралаб”Шероз-Шероз” деб жавоб қилади./

Эй,тангри!Наҳот сени қудратингни астари нуқул қашшоқ,бечора,етимлар устига ёпилаверса!Жонимдан тўйдим/қичқириб/Гулноз!/Яна”Шероз-Шероз” деган масхарали акс садо/

САНГИ ДИЛ-хой,йигит!

ШЕРОЗ-/уни кўриб,чўчийди/Кимсан?

САНГИ ДИЛ-мен дард,алам,қайғулар малҳами мана шу ўрмон хўжаси Санги дил ман.

ШЕРОЗ-Санги дил?Демак тош юрак!исминг жисминга дегандек,номинг касбинга тўғри келмайди-ку!

САНГИ ДИЛ-Касбимдан сенга ҳозир бир нишона намуна қилай.Яхши-ёмонглигини ўзинг бил.Ахир сени бу ерга ғам-алам олиб келмадимми?

ШЕРОЗ-Ҳам айрилиқ-жудолиқ...

САНГИ ДИЛ-балли Шероз!

ШЕРОЗ-мен7и отимни қандай биласан?

САНГИ ДИЛ-Мен сени ёринг Гулнозни Юлонқир тортиб олаётганини,отангни қарзи бадалига уйингдан қувилаётганини ҳам биламан.

ШЕРОЗ-балли Санги дил!

САНГИ ДИЛ-чора излаб дайидиган сен эмасмисан?

ШЕРОЗ-Мен...Мен...

САНГИ ДИЛ-гулнозни кўргинг келадими?

ШЕРОЗ-Қани,Қаерда?

САНГИ ДИЛ-шу ерда!

/Санги дил шерозни кўлига ойна беради."Куф-суф" қилади.Хаммаёқ короғиликка чўмади,фонда бир кичик экран ёришади.Экранда, тўй либослари кийган,қайғули гулноз кўринади.атрофида бир талай қизлар,книнг бўйнига,кўлига.кулоғига ҳар хил тақинчоқлар тақмоқдалар.

ГУЛНОЗ-Шероз,Шерозим.Қайдасан,азизим?Қутқаз мени бу ҳалокатдан.

/қўшиқ/

ГУЛНОЗ-Бағрим тўла фиғоним,туганмас дафтар этсам,Ёнимда йўқ ҳамдамим,дардимни баён этсам.

ҚИЗЛАР- Оқизиб кўзни қони,

Чок этманг кўп ёқони.

ШЕРОЗ-Демасман шзгани ҳеч,

Танда тирик экан жон,

Ўйлаганим эрта- кеч,

Ёнингда бирга бўласм.

ГУЛНОЗ-Қайда ўзинг дилдорим,

Эшитсанг оху-зорим,

Ғам уйидан озод эт,

Жонимни садқа қилсам.

ҚИЗЛАР- Оқизиб кўзни қони,

Нам этманг кўп ёқони

/Ансамбль давомида аста экран сўнабошлайди,гулноз кўринмай қолди.Дарахт эшиги аста кўтарилади.Дарахтнинг ичи ҳар турли,камалак рангига хос товланади.Дарахт ичидан бир тўда жинлар катта сандиқ кўтариб чиқишади ва Сангидилни олдиға қўйиб,кўздан ғойиб бўладилар.санги дил Сандикқа кўлини тиқиб ипга тизилган дурларни тилла-кумушларни шерозга кўрсатади.аста сахна ёришабошлайди.шероз хайрон/

САНГИ ДИЛ-дардингни малҳами шулар эмасми?

Ма,истаганингча ол!

ШЕРОЗ-буларни эвазига мен нима қилиб беришим керак?

САНГИ ДИЛ-Арзимаган шартим бор холос...

ШЕРОЗ-/ўзига келиб/Йўқ!Йўқ!сени кимлигингни билдим...менга ҳечнарсангни кераги йўқ!

САНГИ ДИЛ –Тўхта!

ШЕРОЗ-/кетабошлаб/ Йўқ! Йўқ!

Санги дил кулиб "куф-суф" қилади. Шерозни кўп киши қийнагандек ўз-ўзидан ипсиз дарахтга боғланади, ҳар тарафдан аллақандай жин сифат хунук алвастилар пайдо бўлиб, Шероз атрофида ўйнай бошладилар. Санги дил буйруғи билан улар кўздан ғойиб бўлади. Шероз боши қуйида, холсиз.

ШЕРОЗ-/ўзига/ Гулноз! Бу ғурбат ҳаётда ягона машъалим!

САНГИ ДИЛ-Шероз! Истасанг сени бу ғурбатлардан озод қиламан...

ШЕРОЗ-Санги дилга/ Э, жаханнам намунаси! Нима истайсан мендан.

САНГИ ДИЛ-Ёринга етишасан!

ШЕРОЗ-қандай қилиб?

САНГИ ДИЛ-ана энди ўзинга келдинг. Ажиж-мажиж, савкор-карсот, дов-гов, куф-суф.

ШЕРОЗ-/дарахтдан озод бўлади/ тезроқ кўрсат кароматингни.

САНГИ ДИЛ-Фақат шарт!

ШЕРОЗ-керак бўлса ол жонимни! Қутилай бу азоблардан.

САНГИ ДИЛ-менга жонингни кераги йўқ! Менга...

ШЕРОЗ-/юрагини ушлаб/ Типирчилама э юрак!

САНГИ ДИЛ-Менга фақат...

ШЕРОЗ-Кўрсат тезроқ кароматингни!

САНГИ ДИЛ-/кулиб/ Қани юр!

/Дарахт эшиги шарақлаб кўтарилади. Иккаласи кириб кетадилар. Дарахт тепасидан маймун тушади, дарахт эшиги олдига келади /

НАДАМ-Бечора йигит! Мен сингари Санги дил найрангларига илинди.

/Бор кучи билан дарахт эшигини бир неча бор муштлайди, ҳолсиз ўтириб қолади, йиғлайди/

НАДАМ-Шошмай тур, Санги дил, бир кун ўчимни оларман сендан.

II-парда Тўртинчи кўриниш

Бойнинг ажойиб, кенг ва колоннали хонаси. Уй ичи шоҳона безатилган. Ҳар тарафда рангдор гиламлар тўшалган. Уй ўртасида катта фонтан. Бир томонда усти соябон шаклида нафис мато осилган тахтсимон икки курси устига тос ва духоба тўшалган. Бир курсининг устида тўй либослари кийган қайғули Гулноз ўтирибди. Атрофида бир талай чўри қизлар унинг бўйнига, кўлига, қулоғига ҳар хил тақинчоқлар тақмоқдалар. Яна бир талай чўри қизлар Гулнознинг қайғули кўшиғига жўр бўлган хор оҳангига сокин ўйнамоқдалар. Бир икки қарол ва чўри қизлар столлар устини ҳар турли таом ва шароб кўзалари билан безамоқдалар. Рўбарудаги панжарасимон наққошли эшик орқасида одамлар гавжум. Тўй можороси.

Ансамбль

Гулноз-	Бағрим тўла фиғоним, Туганмас дафтар этсам. Ёнимда йўқ ҳамдамим, Дардимни баён этсам.
Қизлар-	Оқизиб кўзни қони Нам этманг кўп ёқони
Гулноз-	Чекканим ғаму- алам, Оҳим тингланг санамлар Нечук тоқат қилай ман Ғунчадек эрта сўлсам.
Қизлар-	Оқизиб кўзни-қони, Нам этманг кўп ёқони.
Гулноз-	Демасман ўзгани ҳеч, Танда тирик экан жон. Ўйлаганим эрта кеч, Ёнингда бирга бўлсам.
Қизлар-	Оқизиб кўзни-қони, Нам этманг кўп ёқони.

Гулноз сахна олдига келиб бир чўри қизни имлайди. Чўри қиз яқинлашади.
Чўри-Лаббай?

Гулноз- Айтганим нима бўлди?

Чўри-Қўрқаман Гулноз.

Гулноз- Ахир сенга айтдим-ку, мен уни бой учун деб...

Чўри- Ёш умрингизни хазон қилманг!

Гулноз- Бер!/Чўри қиз титраб қўлидаги узукни узатади. Гулноз дарҳол узукни тақиб, жойига боради.Эшик очилибвақти чоғ, ясанган Салим киради/
Салим- Қани, қи... қизлар, бўлинглар! Ку... Куёв келаяптилар./Қизлар атрофга сочилиб бош эгадилар. Элликбоши бошлиқ бир талай оқ соқолли, қора соқолли қариялар ўртасида бой киради ва уни Гулноз ёнидаги курсигача кузатишиб атрофдан жой оладилар. Бир оздан сўнг бой элликбошини имлайди/
Юлонқир- /Секин/ Бери келинг!

Элликбоши- Лаббай куёв!

Бой- Устимдан сочинг деб, берган тангаларим қани?

Элликбоши-Саховатли бой, танга эмас, чақа денг берган тўнларини енги иккита десам саккизта экан, тўкилиб қолибди. /Элликбоши қўлтиғига қўл тикади, панжалари тўн йиртиғидан ўтиб, ташқаридан кўринади/

Бой- /жаҳли чиқиб/ Меҳмонларга қаранг!

Элликбоши- Хўп бўлади. /Қизларга/ Қани тўйни ёр-ёрини бошланглар.

Ансамбль

Йигитлар- Шод ўйнасин, гўзал қизлар,
Тўйдир букун ёр-ёр.

Оч дилларни юз ноз ила

Тўйдир букун ёр-ёр

Қизлар- Шод ўйнасин, гўзал қизлар,
Тўйдир букун ёр-ёр.

Дилингиз оч, минг ноз ила

Тўймас букун ёр-ёр.

Йигитлар- Тўйдир букун ёр-ёр.

Қизлар- Тўймас букун ёр-ёр.

Гулноз- Орзуларим тўзон бўлди,
Алвидо э, ёр-ёр

Чечакларим хазон бўлди

Алвидо э, ёр-ёр

Йигит ва қизлар- Тўйдир букун ёр-ёр.

Гулноз- Алвидо э, ёр-ёр

Йигитлар- Дилда ҳасрат бор экан
Тўйда қўйгин ёр-ёр.

Гарча ишқинг бор экан

Тўйда қўйгин ёр-ёр.

Қизлар- Қўй букун насихатинг
Тўйда айтур ёр-ёр.

Бўлса ширин каломинг,

Тўйда айтур ёр-ёр.

Йигит ва қизлар- Тўйда айтур ёр-ёр. /2-марта/

Гулноз- Кабобу-дуду дилим

Билмас ўшал ёр-ёр.

Қафасдан қутқарғали

Келмас ўшал ёр-ёр.

Йигит ва қизлар- Тўйдир букун ёр-ёр.

Гулноз- аза букун ёр-ёр

/Ансамбл тугагач йигитлар ва қизлар ўйини бошланади. Ўйин қизиб, охиригача давом этгани ҳам йўқ эди. Ташқаридан Шерозни қичқирган овози эшитилади. Саҳна орқасида ғовур-ғувур. Икки хизматчи отилиб кириб, бой олдида тиз чўкади./

1- хизматчи- Юлонқирбой...

2- хизматчи- Ҳалиги...

1- хизматчи- Ҳалиги...Шер...

2- хизматчи- Фалокат!..Шер...

Бой- Шер!.. Тилинг кесилгурлар, қанақа шер?

/Ҳамма чўчиб ҳар тарафга сочилади. Оғир жимлик чўкади. Эшик очилиб янги ва башанг лекин беўхшов кийимда Шероз киради./

Гулноз-/таниб/ Шероз! Шерозжон!

Бой-Шшер...Шероз?

/Ҳамма аста секин бошини кўтаради. Шерозни кўришгач қаттиқ кулги бошланади/

Гулноз-Алвасти онам мени шундай чақирар эди.

/Шероз жуда жиддий ва ажабланарли ҳолда. Жимлик чўкади. Ҳамма ҳайрон./

Гулноз-Шероз.. Шерозим... Шукур кўрдим сени соғ-омон.

Шероз-Мени ўлади деб ким айтди сенга!

Гулноз- Шероз, азизим нима бўлди сенга?

Шероз-Менгами?... Ҳой, Юлонқир, бу ерда нима ҳангома?

Салим-/Хушсиз бойга пичирлаб/ Бечора ж..жинни бўлипти?

Бой- /мулойим/ Шероз, хўш сенга нима керак бу ерда?

Шероз-Ҳой, Юлонқир, бу ерда нима ҳангома деяпман?

Бой- /жаҳли чиқиб/ Тўй! Тўй бўлаяпти. Мен Гулнозни олаяпман. Гулнозни!

Шероз-Гулнозни!

Гулноз-Шероз инонма азизим, мен сенсиз яшай олмайман. Мен ўзимни-ўзим...

Шероз-Биров-бировсиз яшай олмайди деганлари қизиқ! Яшай олмасанг ўл!

Ўлсанг ташвишинг отангга тушадими ёки Юлонқиргами?

Салим- Бе... Бечора!

Ойша- Ҳой Гулноз, ақлдан озибди шўрлик!

Гулноз-/чидай олмай, қичқириб/ Шероз! Ўргилай сендан... Мени кечир... Кечир мени азизим... /Хўнграб, Шероз олдида тиз чўкади/ Кечир, вафодорим..

Шероз-Ҳой, Юлонқир сени хотининг бировни азизим деса нега оғзингни тандир қилиб турасан?

/Ҳақиқатда бу гаплардан ҳайрон бўлиб, бойни оғзи катта очилиб қолган эди./

Бой- /ўзига келиб/ Кел-кел

Шероз. Хўш, нима дейсан?

Шероз- Сен тўйингни сотасанми?

/Ҳамма ҳайрон/

БОЙ-Пулинг кўпайиб қолдими?

ШЕРОЗ-Сотасанми?

ГУЛНОЗ-Онажон! Нималар қилиб қўйдим!

/гулнозни кизлар куршайди/
БОЙ-Аввал отанг қарзини тўла!
ШЕРОЗ-Ҳисоб қил!
ЮЛОНҚИР-Э,анча бола!
ШЕРОЗ-Қанча?
БОЙ-400 червон!
ШЕРОЗ-шу холосми?...Тўйингчи,уйингчи?Ҳаммасини ҳисобла!
/Ҳамма ҳайрон бир хили кулади/
БОЙ-/керилиб/Шероз жуда қиммат!
ШЕРОЗ-Қанча !
ЭЛЛИКБОШИ-/бойга яқинлашиб/Бой қани бир нарсa денгчи!Нима қилар экан!
БОЙ-/Шерозга/Червонга бир хуржун,тиллага бир қоп!
ШЕРОЗ-Ёз!
БОЙ-Нимани?
ШЕРОЗ-Тилхат!
ГУЛНОЗ-Шероз-Шероз...
ОЙША-Болгаинам ...
ГУЛНОЗ-Мендан ризо бўлинг онажон!
САЛИМ-/ўзига/Гуноҳим бойни бўйнига!
ШЕРОЗ-/бойга/ Нега индамайсан?
БИР МЕҲМОН-/бойга/Э, олиб чиқиб ташланг, бу жиннини!
ШЕРОЗ-Ким жинни? Менми?...Мен жиннию,сенлар соғми каллаварам, қўланса
димоғ, сурбетлар!Бугун жума,сафар оyi ҳижрий./бир кишига/ Сен Кўксув
қишлоқ мачитини текинхўр,мезана теппасидан оллоҳуакбар деб қичқириш
ўрнига “опкелинглар” деб қичқирувчи Сўфисисан./яна бир кишига/ Сен бойни
паноҳидаги ўғриларни қўйиб, тўғриларни авахтага олувчи маҳкама
хўжаси./Салимга/ Сен, ана-у,ўтирган қизингни бойга арзонгинага сотиб,суюқ
иссиғингни,қуюққа айлантираман деб,нафсингни кўчасига кирган,бойни
ювиндихўрисан.Мен жинни эмиш! Мана, Мана! Мана!
/Чўнтақларидан,ёнларидан пачка-пачка пулларни олиб,ажиб бир нарсани
кўрсатаётгандек бойни,Салимни яна бир нечаларин бурынлари тагига олиб келиб
кўрсатади/.
I-Киши-Э,товба!
II-Киши-Ё,алҳазар!
III-Киши-а пулни қайдан олди бу!
ЭЛЛИКБОШИ-Подшода йўқ шунча пул.
БОЙ-/Кўзи ўйнаб/ Сотаман Шероз, сотаман...Фақат булар кам-да!
ШЕРОЗ-Тилхат ёз! Яна шунча бераман./пул чиқаради/
БОЙ-/Ҳовлиқиб/ Элли...Элликбоши ёзинг,ёзинг...
ЭЛЛИКБОШИ-/Ҳангу-манг/ Нимани?
БОЙ-Тилхат!
/Элликбоши пилдираб қоғоз-қалам келтириб,кўзи пулларда,бошқа
бировни олдига боради/
ЭЛЛИКБОШИ-Нима деб ёзай!

БОЙ-Э,ўлинг, Мен буёғда!/ Элликбоши бой олдиға келади/ Ёзинг! Мен Юлонқир Куримсоқбой ўғли бутун молу-мулкимни,тўйимни,тирик ва ўлик жонларимни Шероз Маҳкам ўғлиға хатлаб,эвазига пул олдим...

ШЕРОЗ-Қарзни ҳам ёз!/Бир пачка пул отади/

БОЙ-отаси қарзидан ҳам озод деб...

/Элликбошиға бармоғини тутеди, Элликбоши қалам билан уни бармоғини бўйяйди,бой қоғозға қўл қўяди.Шероз пулларни отади,бой ўлар ҳолатда пулға ўзини ташлаб, қўйинларига жойлайди.Бойға элликбоши яқинлашади/

ЭЛЛИКБОШИ-/секин/ Бу пулларға бир шаҳар сотиб олса бўлади-я.Қани қалам ҳақини чўзсинлар. /Бой унга бошқа чўнтагидан чақа чиқариб беради/ Шуми?

БОЙ-Бор-бор!

ЭЛЛИКБОШИ-Хўп-хўп!/ўзига/ Илоҳи омин илоҳим қарақчига учрагин,облоҳу акбар!

ШЕРОЗ-/бойға/ Қани энди бу ердан супирилиб қолчи.

/Бой чиқади.Ҳамма ҳайрон.Жимлик.Элликбоши югириб Шерозға яқинлашди. Қўлида кўза ва қадах/

ЭЛЛИКБОШИ-Ие-ие,Шерозжон! Бу киши ўзимизни,рахматлик Маҳкамқулини ўғли Шерозжонку. Отаси шунақа ажойиб одам эдики,отасига тортибди,умри ўхшамасин.Қанми буёққа ўтирсинлар.Марҳамат Заб бойдан кутултирдиларда шундай хасис...

ШЕРОЗ-/сўзини бўлиб/Нари тур.шум оёқ!Бекорга саллангни бўйнингдан ўраб қўяман.

ЭЛЛИКБОШИ-/чўчиб/ Хўп, бажонидил!

ШЕРОЗ- Ҳой,бери кел ўғрилар паногоҳи!

МАҲКАМА БОШЛИҒИ-/бош эгиб/ лаббай Шерозжон!

ШЕРОЗ-/Салим,ойша,Элликбоши, яна бир нечталарни кўрсатиб/ Ана уларни кўзимдан йўқот!

/Маҳкама бошлиғи уларни чирқиратиб олиб чиқади/

ГУЛНОЗ-Ойи, отажон!

ШЕРОЗ-Ўтир!/гулноз беихтиёр ўтиради/ Сен энди менга ўтгансан./Одамларға/ Қани чал нағмангни-яллангни. Шароб!

/Қароллар шароб келтиради.Ғамгин куй чалинади,қизлар оғир ўйнайди/

ШЕРОЗ-Тузукроқ чал!

/музыка тезлашади,қизлар ўйини ҳам ўзгаради/

ШЕРОЗ-Бу қандай бемаза тапир-тупир.Тузукроқ.

/Музыка яна тезлашади,қизлар галдираклаб,ҳолдан кетиб,ўйнашади.Бирдан музыка тўхтайди,эшик очилиб Шерозни онаси киради/ ХУЛКАР-Болам,Шероз! Бормисан кўзим...

ШЕРОЗ-/ўрнидан туриб/Тўхта!/онаси тўхтайди/ Хўш сени ким қўйди буерға? Ким?!.Мен бу давлатимни осонлик билан топган эмасман,ҳаммаёқ нонхўр!

ХУЛКАР-Болагинам...

ГУЛНОЗ-Хулкархолажон...

ШЕРОЗ-/қичқириб/ Тўхта! Ўғлим бўлипти деб,нафсингни кўчаларига кириб охири топибсан-да!

/Хулкар ҳайрон.гулноз йиғлайди.Хамма жим/
ШЕРОЗ-Гулнозга/Бу нимаси? Нега йиғлайсан? Нимадан йиғлайсан?
Бас!/онасига/ Сен шум оёқ келдинг,оромимизни буздинг.
ХУЛКАР-Онангман!

ШЕРОЗ-Алвастисан! Кет! Кет дедим сенга!

Хулкар боши қуйида судралиб чиқиб кетади/
ГУЛНОЗ-/отилиб/Хулкар Холажон!

ШЕРОЗ-Ўтир!/қизларга/ Ўйна-ўйна,текинхўрлар! Ҳамманг пул кемирасанлар!

/Ўйин бошланди,Шероз ичади ва ўйинни авжида қичқириб тўхтатади/
ШЕРОЗ-бас!Йўқол ҳамманг!Қулоғимни едиларинг.Ухлайман-ухлайман.

/Ҳамма бирин-кетин чиқиб кетади.Шероз курсида ёнбошлайди.Гулноз
уни ёнида.Иккаласи ёлғиз/

ШЕРОЗ-Нима қилиб турибсан?Йўқол кўзимдан!

/Шароб ичади,Гулноз унга майин тикилади./
ГУЛНОЗ-Шероз азизим! Нима бўлди сенга?

ШЕРОЗ-Кет!

ГУЛНОЗ-Мени бевафо деб ўйладингми? /узукни кўрсатиб/ азизим агар сен
озгинакечикканингда мени тирик топмасдинг.Нега юрагингдаги дарларингни
мендан пинҳон тутасан,севгилим!

ШЕРОЗ-Нима дединг? Юрак дедингми /Юрагини ахтаради/ Аҳа сен ҳам ўша
Сангидил билан.../ўзига келиб/ йўқол,мен сени асло севган эмасман.Сен
пулларимга сотиб олинган қулимсан-чўримсан.

ГУЛНОЗ-мен вафодоринг,фидокоринг,ҳамдардинг,муҳаббатингман, Шероз!

ШЕРОЗ-/ўзича\ Вафо?... фидо! дард! Муҳаббат” Қаерда эшитганман бу
гапларни? Бу сўзлар...Йўқ! эшитган эмасман бу сўзлақрни./ўрнидан
туриб,гандираклаб уйга киради.Гулноз уни кетидан ҳайрон,тикилиб қолади/

ГУЛНОЗ-Йўқ-йўқ! Бу жинни эмас! Бунга бир нарсa бўлган.Шунча пулларни бу
бежис топган эмас. Сабаб !... Са...баб! Ёрим,азизим! Сен аллакимни асирисан.

/қўшиқ/

Не савдоки тушди бошинга ёрим,
Не стамки тиниқ кўксинг доғлади?
Не таррорки юлди ул йўқ-у,борим,
Не риёкор фурқат камар боғлади?

Бир умирга севганман сени ёрим,
Сенга нисор тандаси азиз жоним,
Озод этиш сени банддан-асирдан,
Ўзга йўқдир,мени аҳду-қарорим.

III-парда

VI-кўриниш

Гулноз ила Маймун ўша биринчи кўринишдаги суҳбатларини давом
эттирмақдалар.

НАДАМ-Синглим Гулноз! Сени ёринг юрагимни сотибди. Сени давлат орқали кутқараман деб,ўша червонлар учун асил юрагини бир парча совуқ тошга олмашибди.Мендек Сангидил найрангларига учибди.

ГУЛНОЗ-Санги дил? У шу сўзни кўп такрорлар эди.

НАДАМ- Бу сўз эмас! Бу ном!Шу ерда яшовчи инсонларга ғам-алам келтирувчи Санги дил деган афсунчи ва жодугардир. Шерозни жудалик ва бечоралик мажбур этган.Мен эсам лочин бўлиб,парвоз этсам,кўкни кўрсам деган умедда уни қўлига тушган эдим...

/Пауза/ Осонликча,курашмасдан,қийинчилик кўрмасдан,меҳнат қилмасдан бахтга,орзуга,максад ва муҳаббатга эришиб бўлмаслигини энди тушундим...Минг афсуски кеч тушундим.Энди маймун суъратида ҳаёт кечиришим керак...

ГУЛНОЗ-У қаерда,Санги дил?

НАДАМ-Шу ерда! Мана шу дарахт ичида уни катта қасрдек макони бор.У жуда кучли. У билан курашмоқ мушкулдир.

/Бир чекада жин пайдо бўлади/

ЖИН-Ана,ана.Гулноз ҳам келганга ўхшайди.Бу хуш хабарни Санги дилга етказай.

/Дарахт томирлари орасидагаи теўикка кириб,ғойиб бўлади./

ГУЛНОЗ-Мен курашаман иним! Мен, бу банддан озод қилурга ўлсам ҳам курашаман.

НАДАМ-Агар у енгилса-ўлса,биз бу асирликдан,бандликдан озод бўлардик!Лекин бу жуда ҳам мушкул!

ГУЛНОЗ-Йўлимдан қайтмайман.

НАДАМ-Мен сизга кўлимдан еклганча ёрдам бераман.Санги дилни бир сири бор.

ГУЛНОЗ-Қандай сири?

НАДАМ-Уни жони.../шу пайт Санги дил темаси чалинади,Маймун чўчиб ўзини панага олади.Гулноз эса дарахт панаси орқасига беркиниб, қилич яланғочлаб Санги дилни пойлайди.Эшик очилиб Санги дил чиқади.Гулноз чунон зарб билан унинг бўйнига қилич уради.Аммо Санги дилга зарб етмай қайрилади ва Гулноз билан тўқнашади.Хохолаб кулади.Гулноз қайта қилич кўтаради,лекин Санги дил афсун ўқиши билан Гулноз кўлидаги қилич ўз-ўзидан учиб кетади.

САНГИ ДИЛ-/кулиб/ Кимсан, э шербачча?

/Гулнозга тикилиб афсун ўқийди,Гулноз беҳуш бошидан қалпоғини олади,сочини ёзади,устки тўнини ечади.Кўйлақда ва бош яланг бўлади.Яна Гулонзни афсундан озод қилади.Гулноз, уёқ буёққа қараб тўнини ва телпагини кияди./

САНГИ ДИЛ-Гулнозмисан!Қандай вафодор ёр! Мен сени келишингни билар эдим.Хуш келдинг! Мен сендек чўрига мунтазир эдим.

ГУЛНОЗ-Э,қабизул арвоҳ кўланкаси! Сен ҳар кимни ҳам ўзингга мойил қила олмайсан!

САНГИ ДИЛ-/кулиб/ О, сени юрагинг менга қимматроқ тушса керак! Сочингни ҳар толасига мингтадан дур оссам ҳам мақсадингни ўзгартирмайсан,билдим.Ниятинг мени енгмоқ. Ҳа...ҳа...ҳа... Қани енгиб кўр!

Санги дил афсун ўқийди. Гулноз ўз-ўзидан дарахтга боғланади. Санги дил кулиб чиқиб кетади.

/қўшиқ/

ГУЛНОЗ-/қўшиқ давомида маймун яқинлашиб Гулнозни дарахтдан озод этишга уринади, аммо бўшатишга ожизлик қилади/

Пинхон тутай десам қалбаги дардим,
Ошкор этар икки кўзимдакги ёш.
Бошим вуйи, сўлди чечакдек бахтим,
Ғам сахоби доим йўлдош, йўқ қуёш.

Хунбор фалак иқболим этди вожун,
Қасд айлабон етказди кўп жарохат.
Сабр битди, бўлма энди Сарнагун,
Майли ўлай, йўлингдаки сарохат.

Қаддинг кўтар, рангинг этма энди зард,
Қанот боғла хумо қушинг қўлингда.
Ёринг сенга вафодордир этмас дард,
Азобларга бардош берар қўйингда.

НАДАМ-Айтмадимми, Синглим! У жуда ҳам зўр. У билан олишиб бўлмайди.
ГУЛНОЗ-Иним надам. Қийналмай, оғирлик, укубат чекмай орзуга етиб бўлмайди. Сендек маймун ҳолига тушурлар! Кенйин Надам чекурлар. Пешонангдан теринг чиқмай бўлурми сенга бахтпайдо, жафосини чекмагунча бўлмағай бир парча нон пайдо.

НАДАМ-Эски ярамни янгилаб бағримга олов отма, синглим...

ГУЛНОЗ-Менга боя айтолмай қолган сирнинг маъносини англат.

НАДАМ-Санги дилни жони ўзида эмас. У ўз жонини уйида, бир тандир сингари катта ўчоқ ичидаги бир кичкина қутичада сақлайди. Лекин у қутини Санги дилни ўзи ололади холос. Агар ўчоққа бошқа қўл борса, ўчоқ ичидан олов чиқиб, ўзига кишини йўлатмайди./Санги дил темаси чалиниади. маймун беркинади, Санги дил чиқади. Гулнозни дарахтдан озод қилади/

САНГИ ДИЛ-хўш ўжар қиз, ўзингга келай дедингми, хонадонимни сенга бир кўрсатай, супириб-сидириб манашу оппоқкина кўлларинг билан, идиш-товоқларимни тозалаб қўйгин! марҳамат!

/Дарахт эшиги очилади, Гулноз дадил ичкари киради/.

III-ПАРДА

Олтинчи кўриниш.

Девнинг хонаси. Бу ғорсимон хонада деярлик ҳеч нарса йўқдай туюлади. Лекин атрофда девор ўрнига ишлатилган ўткир, қиррали тошларнинг худди ёқут, зумрад, садаф, дур сингари ҳар-хил товланишдан кўз жимирлашади. Ўнг томонда биллур рангли катта-катта сувдек тиниқ тошлардан ясалган баҳайбат тандирсимон қурилиш ичида қоп-қора қутича устига ўрнатилган қип-қизил кичик тош пилдираб ёниб турибди. Саҳна рўпарасида чиқиш йўлига юқорига кўтарилган зина. Чап тарафда тош эшик очик; иккинчи хона ҳам тош шуълаларидан кўзга яққол ташланиб турибди. Гулнознинг қичқирган товуши эшитилади. Сангдил чиқиб бир харсанг устига ўлтиради.

САНГИДИЛ- Наҳот?!. Наҳот. Мени қудратим олдида пашшача кучга эга бўлмаган бир қизчани бўйсиндира олмасам... Куф-суф...

/ичкаридан устки кийимлари йиртиқ, сочлари тўзиган Гулноз кулиб чиқади, девни кучади/.

ГУЛНОЗ- Азизим... Қаёрдасан? Менинг бахтим сен билан. Минг шукр сени топдим./Сангдил ундан ўзини озод қилади, четлайди/ Нега мендан жирканасан? Кел, кел ёнимга қарорим...

/Сангидил қоронғулик бурчакка “куф-суф” қилади. Сангидил уни Гулнозга кўрсатади/

САНГИДИЛ-Гулноз!

ГУЛНОЗ- Лаббай?

САНГИДИЛ-Ким бу?

ГУЛНОЗ- /Шерозга кўзи тушади./ Ким бу?

САНГИДИЛ- Севганинг Шероз!

ГУЛНОЗ- Шероз?! Йўқ-йўқ!. Ҳаммаси бўҳтон! Мен ҳеч қачон Шерозни деган эмасман. /Гулноз сангидил ёнига келиб эркаланади, Сангидил уни афсундан озод қилади. Гулноз ҳушига келади, ўзини девни қучоғида кўргач уни юзига уради. Шероз қоронғуликка чўмиб ғойиб бўлади. Сангидил ғазабда қарсак чалади, уч-тўрт жин пайдо бўлиб, Гулнозни сочларини тортиб қийнайди/

САНГИДИЛ- Барибир, сени ўзимга ром қилдираман...

ГУЛНОЗ- Кет, аблаҳ!

САНГИДИЛ- Тошга айлантираман, бадбахт

ГУЛНОЗ- Сени ҳийла-ю макринг, мени аҳдим олдида ожизлик қилади.

САНГИДИЛ- “Бахт-бахт” дейсан. Инсон учун бойлик бахт эмасми! Ахир, шунча дур, жавоҳир, марваридлар ёқут-у, биллур тошлар...

ГУЛНОЗ- Тошлар! Муздек совуқ, мурда тошларинг, қайноқ ҳаётга сочилган захардир. Тошни бойлик, бахт деб, эрта-ю кеч ўшанга сиғинганлар, инсон эмас, сендек мудҳиш, жаҳаннамдан чиққан ҳайвон, кўланкасига тенгдир. Сен чинаккам бахтни, инсон бахтини қайдан билардинг!

САНГИДИЛ- Мана, Шерозингга давлат бердим, сени бойдан қутқарди, ўзи бой бўлди, мақсадига эришди.

ГУЛНОЗ- Афсус-ки мақсадига эриша олмади. Сени найрангингга учиб осонликча бахтга, бойликка эришмоқчи бўлди, лекин, осонликча топилган бахт бойлик-юқмайди, юқмади...

САНГИДИЛ- Мана, мени беҳисоб бойлигим бор мен зўрман, кучлиман. Мени ҳеч қандай куч енга олмайди. Уриниб овора бўласан. Яхшиси бўйсун.

ГУЛНОЗ- Зўрсан- кучлисан! Лекин кичкинагина қизчанинг асл мақсади олдида таги ўпирилаётган баҳайбат иморат сингари чўкаяпсан-ку!

САНГИДИЛ- /Захарханда кулиб/ Ха-ха-ха... Мен чўкаяпман эмиш... Сенга яна бир кун, йўқ кечгача муҳлат бераман. Ўйлаб кўр. Агар яна ўжарлик кўчасига кирсанг, суръатингни калтакесак қиламан, қудратимни биласан. Ха-ха-ха... Мен чўкаётган эмишман.

/Зинадан кўтарилиб чиқиб кетади/ Жинлар ҳам Гулноз сочини бўшатиб ғойиб бўладилар.

/Қўшиқ/

ГУЛНОЗ-Хунбор фалак иқболим этди вожум,
Қасд айлабон, етказди кўп жароҳат.
Сабр битди, бўлма энди сарнагун,
Майли ўлай, йўлингдаки сароҳат.

Қаддинг кўтар, рангинг этма энди зард,
Қанот боғла, хумо қушинг қўлинда
Ёринг сенга вафодордир, етмас дард,
Азобларга бардош берар йўлингда.

/Гулноз тандирга яқинлашашди, қўлини тикмоқ бўлади, тандирдан баҳайбат овоз билан кучли аланга чиқади. Гулноз тисланади/

ГУЛНОЗ- Э, ажал ўчоғи- наҳот мени мақсадларимдан устун бўлсанг. Майли куйдир, ёндир, жисмимни хок эт, торт мени сат қаъринга, лекин қайтмагайман йўлимдан муҳаббатим ҳаққи, бахтим ҳаққи, қудрат бер менга...

/Гулноз бир неча бор ўзини оловга уриб тандирга кириб қутичага қўли тегиши билан, олов сўнади. Гулноз ярим куйган, юзлари қоп-қора, ҳолсиз тандирдан қутини олиб чиқади. Дарҳол қутини ерга қўйиб, қопқоғини очиши билан атроф ярим қоронғулашади, Санги-дилни ҳайқирган товуши эшитилади. Гулноз қутичадан эҳтиётлик билан юрак шаклидаги қизил, ёниб турган тошни икки қўллаб маҳкам ушлаб чиқазади. Момоқалди роқ гуриллаб, яшини чакнайди. Санги дил пайдо бўлади. Энди у илгаригидан ҳам даҳшатли эди./

САНГИДИЛ- Гулнозга яқин келолмай уни атрофида парвона бўлади. Гулнозга ҳамла қилмоқчи бўлганда, Гулноз тош юракни маҳкам сиқади. Санги-дил ҳолсизланиб яна узоқлашади.

САНГИДИЛ- Гулноз! Истаганингни муҳайё қилай; қийнама мени... Вой... вой... ўлдим... Гулноз қулинг бўлай қийнама... Истаганингни ҳозир қилурман.

ГУЛНОЗ- Шерозни асил юрагини қайтариб бер. Надамни маймун суръатидан озод қил.

САНГИДИЛ- Бу ишлар қўлимдан келмайди.

ГУЛНОЗ- Келмайди?!!

САНГИДИЛ- Ҳа мен уни юрагини еганман. Надамни эса инсон суръатини қайтариб беришим мумкин. Фақат, қўлингдаги жонимни жойига қўйсанг.

ГУЛНОЗ- Мен минг азобларга дучор бўлиб, эришган мақсадимни қайтариб ерга йикайми? Йўқ! Янглишасан Санги-дил. Қайтариб бер, юрагини! /тош юракни баланд кўтариб ерга урмоқчи бўлади./

САНГИДИЛ- /эшилади, ерга ҳолсиз ўтириб қолади/ Вой ўлдим... Хўп-хўп ҳозир қайтараман. Фақат қийнама. Уфф... Сенга битта саволим бор.

ГУЛНОЗ- Савол?

САНГИДИЛ- Ҳа. Айтчи Гулноз, сен ахир, мақсадингга бахтингга етаман деб, ҳалок бўлишинг мумкин эди-ку. Наҳот ўз жонинг азиз эмас, сенга?

ГУЛНОЗ- Инсонда жон бўлмайди!

САНГИДИЛ- Жон бўлмайди?! Қизиқ...

ГУЛНОЗ- Асл инсонда жон ўрнида ҳаёт бўлади. Инсон ҳаёт кўради. Ҳаёт эса инсонни яратади. Инсон билан ҳаёт чамбарчас боғланган. Инсонсиз ҳаёт бўлмайди, ҳаёtsiz инсон. Демак инсон-инсон учун яшайди. Жон эса сендайларда бўлади. Сендек инсон қиёфасидан чиқиб, махлуққа айланади.

САНГИДИЛ- Демак сен Шерозсиз яшай олмайсан? Шундайми?

ГУЛНОЗ- Ҳа!

САНГИДИЛ- Нодон инсонлар! Биров учун ўзини жонидан кечсалар, қурбон бўлишгача борсалар, ақл етмайди.

ГУЛНОЗ- Нафсибатда ақл бўлмайди. Бўл, қайтар юрагини.

САНГИДИЛ- Қайтарсам жонимни берасан-ми?

ГУЛНОЗ- Йўқ!

САНГИДИЛ- Нима қиласан?

ГУЛНОЗ- Жонингсиз яшай олармикасан. Кўрмоқчиман!

САНГИДИЛ- Ўлдирасанми?... Бўлмаса Шероз ҳам Нодам ҳам ўлади. Бахтингдан, мақсадингдан айриласан-ку? Жонимни бер, сенларга тегмайман.

ГУЛНОЗ- Сендайларда лафз бўлмайди. Бундан зўрроқ офат келтирасан. Янчилмаган илон ганч айламас. Бўл! /яна сикади/

САНГИДИЛ- Вой... Вой... Ҳозир, ҳозир Бир пас шошма, жонимни бўшатиб тур!... /Санги-дил ўзига келади. “Куф-суф” деб афсун деб афсун ўқийди. Шероз пайдо бўлиб, ўзини Санги-дил қучоғига отади/

ШЕРОЗ- Қаердасан отажон! Неча вақтки сени кўрмадим. Шундай соғиндим-ки. Нега мени ўз ҳолимга ташлаб қўйдинг. Бола-отасиз яшай олмас экан.

САНГИДИЛ- Тўхта, ахлоқ! Ҳолимизга маймун кулаяпти-ку. /Гулнозни кўрсатади/ танийсанми?

ШЕРОЗ- /Гулнозга тикилиб/. Аҳа, мана сен қаерда экансан. Ярамас, пулларимга сотиб олинган чўрим мендан қочса. Мен сени сочларингни ҳар толасига ўнтадан игна ўтқазиб бошингга тугаман. Ўзини Гулнозга ташламоқчи бўлганда Гулноз Сангидил жонини юқорига кўтаради. Сангидил ҳолсиз ўтиради. Шероз дод солиб юрагини чангаллайди.

САНГИДИЛ- /ҳолсиз/ Гулноз, ана кўрдингми. Агар мени ўлдирсанг мақсадингга эриша олмайсан. Ажрайсан Шерозингдан. Ўзинг ҳапм ўласан.

ГУЛНОЗ- Майли! Лекин эл бошига ҳам соябони бўлган сен малъундан қутилармиз-ку. Алвидо, Шерозим... Менга бир боқ.

ШЕРОЗ- /ҳолсиз туриб, яна Гулнозга ташланмоқчи бўлади/ Бахтимдан, оромимдан айирдинг сен, зулук! Жонимни қийнама!

/Гулноз кўзини чирт юмиб, Сангидил юрагини зарб билан ерга уради. Момақалдироқ гуриллаб, яшин чакнайди. Атроф қоронғулаша бошлайди. Санги-дил ила Шероз барабар гурсиллаб йиқиладилар. Гулноз турганича қотиб қолади.

Аста “Тонг” музика садолари остида сахна ёриша бошлайди. Сангидилни ўзидан ҳам, ғоридан ҳам асар қолмаган эди. Бу жой кенг онда-сонда битта иккита дарахтлар кўзга ташланган сахрони эслатар эди. Шероз катта ҳарсангга суянган, юрагини чангаллаб ҳушсиз ётарди. Уни кўрган Гулноз, кўзларида ёш, оҳиста уни ёнига келиб тиз чўкади./

ГУЛНОЗ- Шероз. Шерозим. Оч кўзингни азизим./Шероз секин ўзига келиб, кўзини очади/

ШЕРОЗ- Зим-зиё кўнглим машъали, сенмисан Гулноз? Ҳаёт гулшанимнинг сара гули, Гулнозим. Сенмисан дилдор?

ШЕРОЗ- Дуэт

Дилрабо шўх суханинг, жонга шакардек лазиз,

Бахт баҳорим ноёб гули сенла гулистон лазиз.

Хаста кўнглим малҳам, сен-сан менга обу-ҳаёт

Ҳосилдир менга мурод, сенла ҳаётим лазиз.

ГУЛНОЗ-

Дил мулкида якка рахт,

Очди кўзин минг шукур.

Бағишлади қайта бахт,

Менга ёрим минг шукур.

Сен билан муқаррардир,

Ҳаёт чаман минг шукур.

Сен каби йўқ, меҳрибону,

Сўзи кавсардек лазиз.

ИККИСИ-

Ҳосилдир менда мурод,

Сенла ҳаётим лазиз.

Сен каби йўқ, меҳрибону

Сўзи шакардин лазиз.

ШЕРОЗ- Қаердамиз, жоним?

ГУЛНОЗ- Озод ҳаёт кўйнидамиз.

ШЕРОЗ- Гулнозим мен бир туш кўрган эмишман. Тушимда сизни аллаким, ҳа, Юлонқир тортиб олаётган эмиш, мен аламимга чидайолмай, сизни қутқараман деб, юрагимни аллақандай махлуққа бойлик учун сотган эмишман...

ГУЛНОЗ-/кулимсираб/ Хўш, қутқардингизми мени?

ШЕРОЗ- //

САНГИДИЛ /ўйланиб/ - Йўқ! Мен сизни ҳам, давлатимни ҳам йўқотиб, аллақандай даҳшатли жаҳаннамга ўзимни отган эмишман. Лекин ўлмабман.

Мени бир махлуқ ҳалиги, юрагимни олган махлуқ хунук-хунук ҳайвонларга қўшиб, бўйнимдан ип боғлаб, судраб юрган эмиш. Кўзимни очсам, тепамда сиз турибсиз. Енгил тортдим. Хайрият тушим экан. Ундай десам жуда аниқ кўрдим. Тушга ҳам ўхшайди, ҳам ўхшамайди.

ГУЛНОЗ- Мен сиздан бир нафас ҳам ажраган эмасман...

ШЕРОЗ- Демак туш экан-да.. Хайрият.

/Сахнага чиройли, келишган йигит киради ва Гулноз олдига келиб тиз чўкади./

НАДАМ- Раҳмат синглим, Гулноз. Мен сизни бу хизматингизни ҳеч қачон унутмайман. Сиз менга қиз бошингиз билан ҳаётдан дарс бердингиз, кўзимни очдингиз.

ГУЛНОЗ- Кимсиз?

НАДАМ- Мен-ман! Маймун суръатидагинадамман. Ўз аслимга келдим. Демак сиз Сангидилни ўлдирибсиз. Раҳмат. Юрагингиза балли. Сиз чиндан ҳам асил инсон экансиз. Бу киши севиклингиз Шероздир, албатта. /Шарозга/ Салом иним. Сиз жуда ҳам бахтли йигит экансиз. Шундай олийжаноб, садоқатли, вафодор ёр билан ҳаёт кечирсанг ўтган умринг сира ҳам зое кетмайди. Юрагингиз жойидами энди?

/Шероз хайрон. Юрагини ушлайди, Гулнозга тикилади. Гулноз бошини қуйи эгади./

ШЕРОЗ- Демак, мен туш кўрган эмас эканманда. Жонинг-а садқа бўлай, Гулнозим.

НАДАМ- Хайр, синглим Гулноз. Энди сиз мени қиёматли синглимсиз. Мен ота-онам, дўсту жигаргўшаларимни топай. Мендан тамом умидларини узишгандир бечоралар. Хайр. Сизни мардлигингизни идрок мурувватингизни бутун элга дoston қиламан.

/келиб Гулноз олдида бош эгиб чиқиб кетади. Гулноз ила Шероз бир-бирига термулиб қоладилар./

ШЕРОЗ- Вафодорим, демак ҳаммаси ўнгимда эканда. Онам бечорани қувиб солганимчи? У ҳам ўнгми?.. Нималар қилиб қўйган эканман, мен бадбахт... Кечир мени Гулнозим... Кечир мени онажон... /кичқириб/ онажонгинам.

ХУЛКАР- /олисдан/ Шероз-Шерозим /сахнага қўлида ҳасса, анча чўкиб қолган Хулкар киради/. Овозингдан ўргилай болам, болагинам...

/Она-бола кучоқлашадилар. Шероз онасини кўтариб сахна олдидаги харсангга ўтиргизади./

ШЕРОЗ- азизим, онажон. Хўрланган онажонгинам кечир ўғлингизни. Кечир паноҳим. Мен телба туфайли бошингиз не-не кунларни қора деворига урилмади, онажон, Гулноз.

ХУЛКАР- Гулноз? /уни кўриб/. Гулноз, қизим, асл қизгинам. Севинчимдан сенга эътибор бермабман-а. Онанг чўри. Кел-кел бўйлларингга садқа бўлай. /Шерозга/ ўғлим агар шу қизни кўнглини оғритсанг, сендан икки дунё рози бўлмайман. Сенга, менга қайта жон бериб ҳаёт келтирган мана шу!

ШЕРОЗ- Биламан, онажон. Мен ўз бахтимга, муҳаббатимга орзумга эришмоғим учун курашмасдан қийналмасдан чора излаб, ўзимни тенгсиз дахшатли алам дарпёсига отибман... Агар шер юрак Гулнозим ўзини минг балоларга дучор қилиб ёрдам қўлини чўзмаганида албатта чўкиб кетган бўлардим.

ГУЛНОЗ- Тоққа чиқмасанг дўлона қайда?..

ХУЛКАР- Жондан кечмасанг жонона қайда?..

/Хулкар Гулнозни пешонасидан ўпади/

Трио

Ғам саҳоби кетди бошдан

Битди ҳижрон ҳок бўлиб,

Кўз арилди қонди ёшдан
Кулди диллар пок бўлиб.
ҲУЛКАР-/Шерозга/
Ибрат олгин сен қуёшдан,
Қолма ҳаргиз нок бўлиб.
ШЕРОЗ- /Гулнозга/
Бахт булоғи чашмангни соч
Ичай сендан салсабил /тоза сув/
Кел, э, ҳаёт қўйнингни оч
Ташлай қадам мен дадил.
ҲУЛКАР-
Мақсаду, орзу, ҳаёлу,
Бахту, иқболу, тилак
Етгай унга эр-аёлу,
Бўлса меҳнатда билак.
УЧЧОВИ-
Етгай унга эр-аёлу,
Бўлса меҳнатда билак.
Узоқдаги адирлар кетидан аста кўтарилаётган қуёш, атрофни яна ҳам ёритади.
Уччаласи қуёш томон йўл оладилар.

ПАРДА

Январ-июл 1961 йил.

-----//-----\\-----